



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan e-mail: uzas@b2c.uz 2011-yil 24-iyun • №26 (4113)

ДАВР НАФАСИ, БАЙРАМ ШУКУҲИ

Мустақилликнинг 20 йиллиги чин маънода Ватанимиз тарихининг шонли саҳифасидир. Орзу-ўйларимиз, халқимизнинг култур ва бардавом йўлидир. Бу йўлда фидойи халқимиз кенг қўламли бунёдкорликлар ва янгиланишларнинг асл моҳияти ва аҳамиятини англаб, она дёлимизни жаҳоннинг тарихий этган мамлакатлари қаторидан муносиб ўрин эгалламоғи учун астойдил интиломда.

Давлатимиз раҳбари томонидан маънавият ва адабиётга кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик бу жаҳада амалга оширилаётган ишларга янги маъно ва мазмун бахш этди. Ёш авлод тарбияси, Ватанимиз келажакнинг муносиб ворисларини камол топтириш, инсон онги ва тафаккурини миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида шакллантириш, бир сўз билан айтганда, бугунги Ўзбекистоннинг ҳар томонлама баркамол ва етуқ, ҳур фикрли фуқароларини вояга етказиш — маънавият, айниқса адабиёт аҳли олдига турган долзарб вазифалардан. Президентимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч", "Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор" асарларида қалам аҳли зиммасига қўйилган бурч ва вазифалар ҳам айна шунга тақозо этади.

Қалам аҳли нафақат ўз асарлари, балки кенг китобхонлар, халқ оммаси вакиллари билан бевосита учрашувлар, жонли мулоқот ва ижодий анжуманлар орқали ҳам ўзининг адиблик бурчини адо этиши, бундай учрашув-

ларга давр нафасини олиб кириши зарур.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, Ўзбекистон миллий телерадиоканьяси ҳамда бир қатор идора ва ташкилотлар вакиллари иштирокида бўлиб ўтган йилгида шу ҳақда фикр юритилди. Унда уюшма раиси Б.Алимов "Адиблигимизнинг республика шаҳар ва қишлоқларида меҳнат жамоалари билан ўтказилаётган учрашувлари кенг акс-садо бериш билан бирга ижод аҳлининг бугунги кунда мамлакатда амалга оширилаётган кенг қўламли янгиланишлар, замондошларимизнинг ички ўй-кечинмалари, қувонч ва эзгу ташвишлари билан яқиндан танишишига ҳам имкон беради", дея таъкидлади.

Йилгида мустақилликнинг 20 йиллигига бағишлаб Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида Президентимизнинг асарларида ижодкорлар олдига қўйилган вазифаларни амалга ошириш ҳамда Истиқлолнинг 20 йиллик санасига бағишлаб "Айтгил, дўстим нима қилдинг Ватан учун" шiori остида ҳамкорликда туркум адабий-маърифий, бадиий-муסיқий тадбирларни уюштириш режалари ва йўналишлари белгилаб олинди. Шу каби учрашувларнинг дастлабкисини таниқли шоир ва санъаткорлар иштирокида яқин кунларда Тошкентдаги "Истиқлол" саройида ўтказиш мўлжалланмоқда.

Ўз мухбиримиз

СЎЗ БОФИГА САЙР

Ижод — сирли жараён. Унинг сеҳрини бирор сўз санъаткори бутунча ифода этиб беролмас керак. Илҳомнинг таширифи, кўнгилдаги тўлқоннинг қозғога кўчиши чиндан мўъжизавий ҳол.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Дўрмон ижод уйига қадам қўётган вилоятлардаги ёш ижодкорларнинг ёзувларида балкиб турган хайрат ана шу сўз сеҳрига бўлган шайдоликнинг ифодасидир. Юртбошимизнинг адабиётга, унинг келажакига қилаётган юксак эътибори эса адабиётимизнинг келгуси ютуқлари учун мустаҳкам заминдир. Бу эътиборларни бугун устоз адилларимиз, олимларимиздан тортиб, ижод боғига эндигина гуриқаб кириб келаётган ҳар бир қаламкашга чўқур ҳис қилмоқда.

Бухоро ва Жиззах вилоятларида Дўрмонга келган истеъдод соҳибларининг ушбу сўзлари ҳам сўзимизга исбот бўла олади.

— Устозларнинг бизга таниш асарларини, уларнинг матбуотдаги чиқишларини кўриб, кузатиб уларга ҳавасим ортарди, —

дейди бухоролик ёш шоир Бехруз Авазов, — сўлим Дўрмондаги ижодий сўхбатлар, мулоқотлар, устозларнинг бизга билдираётган ишонч ва маслаҳатлари биз учун нақадар ибратли ва ҳаяжонлидир. Дўрмонда, кейин Тошкент шаҳрининг гўзал жойларига ўтган ҳар бир кунимиз бир умрга кўнгилдан кетмайдиган ажойиб хислар берди. Бу илҳом ўйлайманки, узоқ вақт бизни тарқ этмас керак.

Дарҳақиқат, ёш қаламкашларнинг қалбларида камол топиб келаётган истеъдод гўнчалари бу кизгин учрашувлардан куч ва илҳом олади.

Шунчалар бегубор бўларми бу тонг, Бошимда айланар бир кун режаси. Қалбимни тик тутиб турибман шундоқ, Бу балки ҳаётнинг дарс ватияси. Тонг, сени шундайин қарши олайман...

Ушбу сатрлар муаллифи жиззахлик ёш шоира Кумуш Усаро-

ванинг шеърлари устозлар эътиборига тушди. Сўз билан сирлашиб, кўнгилнинг теран тубларига нигоҳ ташлаб ўз овозини топиб келаётган қаламкашнинг айтган сўзлари нақадар рост ва дилга яқиндир.

— Устоз шоирлар шеърларидаги ташбеҳларни, сатрларни тинглаб ҳали қанчалик ўз устимда ишлашим лозимлигини, мутлола қилишим зарур бўлган китобларим ҳали бехисоб эканини ҳис этдим. Кўнгилмга тушган ҳар бир сўз шеърга айланаётгандай бўлди. Шу учрашувларни, сабоқларни ташкил этган устозларимизга, раҳбарларимизга минг раҳмат дегим келади.

Чин маънода адабиёт байрамига, ижод дарсига айланган ушбу учрашувларда шеърят, наср, публицистика жанрлари бўйича ишлар кўрилди. Атоқли шоир ва ёзувчилар, адабиётшунос олимлар иштирок этиб, ёшлар билан ўз тажрибаларини, ҳаётини ва ижодий хулосаларини баҳам кўрдилар.

...Ижод — гўзал жараён. Бу жараён ҳаракатга келиб асарга айланмоғи учун ҳам сеҳр, ҳам меҳр лозим. Ўйлаймизки, бу меҳри ёшлар шу учрашувларда қалбларга жо этдилар.

Нафиса ИСМАТУЛЛАЕВА



Пойтахтдан водий томон бораётиб, Қамчиқ доводидан ошиб ўтишингиз биланок Хўқанди латиф узатсанг шундай кўл етгудек жойда бўлиб туолади. Ва беҳитиёр ҳассос шоиримиз Хамид Олимжоннинг:

Водийларни яёв кезганда, Бир ажиб ҳис бор эди менда, — сатрлари хаёлингизга қуйилиб келади. Ана шу дилбар шеър уйғотган ҳиссиётлар таъсирида қор қоплаган доводдан ошиб,

Президентнинг "Кўкон шаҳар инфратузилмаси ва архитектурвий кўринишини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан бошланган эди. Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамасининг 2010-2012 йилларда Кўкон шаҳрининг саноат салоҳиятини ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва маҳаллийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари дастури

ЛАТИФ ШАҲАРНИНГ ЯНГИ ЖАМОДИ

соллаиб оқётган Сирдарёга бир қур нигоҳ солисизу шаҳри Кўконга етиб келганингизни сезмай ҳам қоласиз.

Кўкон эса... сиз авваллари кўрган шаҳарга сира ўхшамайди. Ўрдаси ўша-ўша... Мадрасаи Мир, Камол қози мадрасалари, Даҳмаи шохон ансамбли каби тарихий, меъморий ёдгорликлар ўша-ўша... Аммо бу кўна шаҳарни таниш қийин.

Бугунги Кўконнинг рафтори ва руҳияти ўзгача. Ҳаммаси Ўзбекистон Республикаси

ишлаб чиқилди. Шаҳарнинг саноат соҳасидаги салоҳиятини раванқ топтириш, аҳолини иш билан, ички бозорини истеъмол нёъматлари билан таъминлаш, энг сара маҳсулотларни хорижга ҳам чиқариш ниятида юртимиз келажакни ўйлаб амалга оширилаётган ишларнинг бош мақсади ҳисобланади.

Давоми иккинчи саҳифада.

ишлаб чиқилди. Шаҳарнинг саноат соҳасидаги салоҳиятини раванқ топтириш, аҳолини иш билан, ички бозорини истеъмол нёъматлари билан таъминлаш, энг сара маҳсулотларни хорижга ҳам чиқариш ниятида юртимиз келажакни ўйлаб амалга оширилаётган ишларнинг бош мақсади ҳисобланади.

ДАВРОМ МУҲАББАТИ ТАРАНҲУМИ

Дашт тўрғайининг сайроғи ёқимли эшитилади. У зазирама иссиқда ҳам, изғирин совуқда ҳам юртини тарқ этмай қуйлайверади. Ҳамма ёқ қафдек кўринадиган юксакда туриб сайрайверади. У — Ватан куйчиси. У — она дёирини тараннум этган шоирга ўхшайди.

Таниқли шоир Икром Отамурод "Тўрғайли манзиллар" шеърлар тўлаимида ўз даштига боғланган тўрғай хайтини "ақдодлар руҳидан ўтган эътиқодга айланган қисмат" дея таърифлайди. Ватан муҳаббати эътиқодга айланган инсонни ҳамиша тўрғайли манзиллар чорлаб туради.

Шоир шеър китоблари номининг ўзиёқ ота юрт, она Ватан ҳақидаги гўзал қўшиқча менгзаиди. "Жануб қушлари", "Уфқлар орти бепоён", "Сен", "Тавр", "Сопол синиклари" ва ҳоказо.

Халқимиз Истиқлолнинг 20 йиллигини кутиб олишга тараддулланаётган шу кунларда "Шарқ" НМАК Бош тахририятида Икром Отамуроднинг "Харитага тушмаган жой" номили шеърлар ва дostonлар китоби нашр этилди. Харитага тушмаган жой бу — инсон кўнгли, туйғулар пўртанага айланган юрак.

Инсон кўнгли нафақат харитага тушмаган, балки харитага сифмаган боис ҳам доимо мағрур ва қўлетмасдир. Юрак — забт этилмас кўрғондек мустаҳкам. Айни пайтда ишдаек но-зик. Юрак сезгилари дўмбиранинг тор-

"ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ" СОЛНОМАСИ

КУТЛОВ

1997 ЙИЛ

"Шарқ тароналари" муסיқа фестивали Ўзбекистонда, айни Самарқанд заминида ўтаётгани бежиз эмас. Самарқанд ҳақли равишда дунё цивилизациясининг бешинги ҳисобланади.

Шарқ муסיқаси — Шарқ фалсафаси, Шарқ дунёсининг узвий бир қисмидир. Шарқ муסיқасининг жаҳон маданият меросида тўтган ўрин беҳиҳа буюқ.

Ишонаманки, "Шарқ тароналари" муסיқа фестивали халқларимиз маданиятларини ўзаро бойитиши, миллатимиз ва динимиздан қатъи назар, халқларимизни, инсонларимизни бир-бирига яқинлаштириши.

Президент Ислам Каримовнинг халқро муסיқа фестивали очилиш маросимидаги табрик сўзидан.

"Шарқ тароналари" халқро муסיқа фестивали илк бор ўтказилаётганига қарамай, унда 30 дан зиёд мамлакат ва халқро ташкилотлардан уч юзга яқин санъаткорлар ва олимлар иштирок этди. Фестивалга тақдим этилган асарларни баҳолаш учун Токио университети профессори Харума Кашиба бошчилигидаги ҳакамлар ҳайъати фаолият кўрсатди.

Халқро фестивал доирасида "Шарқ халқлари муסיқа санъатининг муштараклиги" мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда турли мамлакатлардан ташриф буюрган 20 га яқин санъатшунос олимларнинг маърузалари тингланди.

Фестивал жараёнини "МЕНА" ахборот агентлиги, "Ле Монд де ла Музик" журнали, "Женьмин жибао", "Ди Велт", "Натюион", "Часун Зибо" ҳамда "Те Корёя таймс" каби газеталари журналистлари кенг ёритди.

Фестивалнинг энг олий мукофоти — Гран-при озарбойжонлик санъаткор, мумтоз кўшиқларнинг моҳир ижрочиси Симава Имоновага топширилди.

Биринчи мукофотга Муножот Йўлчиева (Ўзбекистон) ва Шаниу Хурана (Хиндистон) сазовор бўлди. Хи Ли (Хитой), Шахрам Назарий (Эрон) иккинчи мукофот билан тақдирланди.

Учинчи мукофот эса Цогтсайхан (Мўғулистон), А.Саможиков (Россия), Рамазон Стамғозиев (Қозоғистон)га насиб этди.

Кван Ох Санг, жанубий корейлик санъатшунос:

"Мени кўндан буён Шарқ куйларида нима устунлик қилади, деган савол ўйлантириб келади. Самарқанд фестивалида бу саволга жавоб топгандек бўлдим. Куйларимиз нолаю оҳангларга бой экан. Эътибор беринг, шарқ халқларининг най, гижжак, чанг, танбур каби муסיқа асбоблари мажмуҳ. Бу соҳлардан тараладиган куйлар турлича. Лекин улар бағридаги нола, оҳанглар қалбларга бирдек етиб боради".

Аи Негах Мулеана, индонезиялик ижрочи: "Муסיқа фестивали ниҳоятда яхши ташкил этилган. Унда ҳар бир мамлакат ижрочилари ўзларини тўла но-моён қилишлари учун барча имкониятлар яратиб берилган. Томошбинларнинг ижрога муносабатларидан Шарқ муסיқасига эҳтиромлари юксаклигини кўрдик. Фестивал ана шундай юртда ўтишига асос борлигига тўла ишонч ҳосил қилдик".

Тақдирот

ларидек ҳамиша дириллаб туради. Унда наво, меҳр-муҳаббат таралади.

Ёзувчилар уюшмасида шоирнинг "Харитага тушмаган жой" китобининг тақдими бўлиб ўтди.

Тадбирни уюшма раисининг биринчи ўринбосари Сироҳиддин

ВАТАН МУҲАББАТИ ТАРАНҲУМИ



Муаввир М.ТОИРОВ

Саййид очиб, истиқлол байрами арафасида уюшмининг бадиий кенгашларида олиб борилаётган ишлар, вилоятларда меҳнат жамоалари билан бўлиб ўтаётган ижодий учрашувлар ҳақида сўзлади. Миллатимиз далада галла ўриб, мўл ҳосил этиштираётган, гўза парварнишларнинг долзарб пайтда ижодкорларнинг сўз парварини ҳам бир зум тингани йўқ, дея таъкидлади.

Иброҳим Ғафуров, Худойберди Тўхтабоев, Омон Мухтор, Маҳмуд Тоир, Мирпўлат Мирзо, Носир Муҳаммад, Фулом Мирзо, Исмомил Маҳмуд ва бошқа ижодкорлар "Харитага тушмаган жой" китобидаги шеър ва дostonларнинг рамз ва тимсоллари, тил ва услуби ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Ўз мухбиримиз



Муаввир М.ТОИРОВ

КўНГИД РАНГЛАРИ

Тоир Шарипов рангтасвир, графика ва айни пайтда кўрок ва каштачиликда ҳам самарали ижод қилаётган ўзига хос услубга эга рассомлардан. Тасвирий санъат галереясида очилган "Арабеска" кўрғазмасидан ижодкорнинг бир неча рангтасвир асарлари ўрин олган. "Анорли бог", "Ипак йўли", "Туялар қарвони", "Регистон" каби асарларда ранглар атласдек товланса, авангард йўналишида чизилган манзараларда миллий

руҳ уйғунлашганини кўриш мумкин. Қора тушда чизилган "Мангу йўл", "Туш", "Дўзах", "Жаннат", "Амударёдан ўтиш", "Булуллардаги парвоз" асарларида ҳаёт ва тасаввурдаги боқий олам манзаралари ўз аксини топган. Бўёқларда шакл олган борлиқ ёрқин ва таъсирчан кўрсатилган.

Мусаввирнинг қадим рангларни ранглар жилвасида намоён этгани эътиборга сазовор.

— Бунда Тоир Шариповнинг рангларни теран ҳис эта олиш истеъдоди муҳим омил бўлган, — дейди санъатшунослик фанлари доктори Камола Оқилова.

Давоми иккинчи саҳифада.

Бошланиши биринчи саҳифада

Шу режага биноан, шаҳар тўқма-чилик қўшма ширкати «Идорама Кўкон текстиль» деб номланган Ўзбекистон-Сингапур қўшма корхонаси барпо этилди. Унда ишлаб чиқарилаётган, ўзбек пахтаидан йиғирилган ва тўқилган ўз маҳсулотларимиз энди хориққидан ўтса ўтади, асло қолмайди. Собиқ меҳнат фахрияси ўрнида «Имоно груп» деб аталган корхона иш бошлади. Кўкон поайазал, ё-мой, «Эффектив ойл», «Кўкон одеял», «Кўкон махсус курилиш», «Кўкон дон махсулот», «Улғбек» акциядорлик жамиятлари ҳам инвестиция дастури асосида қайта курилиб, замонавий ва харидоригр махсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилмоқда.

Хуллас, ҳар қадамда янгиланиш ўзгаришларга дуч келиши. Қайта куриш ва бунёдкорлик жараёнларида меҳнат қилаётган уста меъмор нақошларни Навоий бобимизнинг Бонийу Монийларига ўхшатгимиз келади. Фарҳод тешаси янглик ҳавода ўйнаётган экскаваторлар тиши эски биноларнинг темир-бетонларини қўчиради. Замонавий асбоб-ускуналар Фарҳод тоғни сарғдек кесганини ёдга солади. Чиндан-да, эл-юрт хизматига, она юрт чироийга чирой қўшишга қамар боғлаган замонавий Фарҳодлар замони бу!

Шаҳарнинг Туркистон, Истиклол, Навоий кўчаларида, Чорсу майдони ҳамда Озодлик хиёбонида улкан ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Четдан келган меҳмонларни қўй турайлик, кўнчаларнинг ўзи ҳам шаҳар қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб бораётганига гувоҳ бўлмоқда. «Ёшлар боғи», Ўрда майдонидаги ўзгаришлар ва яна бошқа қад қўтарган муҳташам бинолар шаҳар чироийни тамомла очиб юборди.

Шаҳарозлик тарихида эски ва янги шаҳарга бўлинувчи бошқа шаҳар кам топилса керак. Гишкўриқ Кўконни ана шундай икки худудга ажратиб туради. Ундан Эски шаҳарга қараб юрсангиз, Чорсу майдонига чиқиб борилади. Бунёдкорлик ва таъмирлаш ишлари бораётган мазкур майдонда кундалик қатнов учун йўл очилган. Илгари ҳар кун ёнидан бир неча бор ўтиб юрганимиз, осмон билан бўйлашган Миллий банк биносидан бурилиб, бошқа шаҳарга келиб қолгандай бўлдим: «Ме, бу қаер ўзи? Мана бу бинолар қачон пайдо бўлди?». Кўримиз кичик бир бинода жойлашган мусика мактаби бизнинггидан кейин унинг қаерга қўчилганини аниқ билмасдим. Энди ҳаммаси аён, мана у рўпарамда савлат тўкиб турибди. Мусика мактабига ёндош

қурилган бошқа бинолар ҳам жуда гўзал, улар ҳайратланарли даражада тез фурсатда қуриб битказилган. Ранглар уйғулиги ва дизайн ҳар қандай диди баланд одамни ҳам лол қолдириши турган гап. Шўролар даврида бўзиб юборилган Чорсу майдонидаги бир-бирига қараган мадрасалар ўрнини босгулик катта бинолар пайдо бўлибди, дея кўнглимдан ўтказаман. 2009 йилнинг 25 декабридан бошланган бунёдкорлик иш-

лаштирилган ҳолда тўла таъмирдан чиқарилмоқда... Иўлда давом этаман. Ўрда майдонидаги қадамжоларда олис мोजий нафаси уфуриб тургандек, карвон кўнгиқорларининг сирли садоси, отлар дупурини эшитиб-гандек бўламан. Айтишларича, атоқли ёзувчимиз Абдулла Қодирийнинг ҳам Кўкон шаҳрига меҳри баланд бўлган. «Ўткан кунлар» ва «Меҳробдан чаён» романилари ёзаётган кезлари ўрдада кўп

Алимов билан суҳбатдан маълум бўлдики, Алишер Навоий, Туркистон кўчалари ва Чорсу майдонида бузилган хонадонларда истиқомат қилувчилар турар жойлар билан таъминланиб, қўпларига ер майдонлари ажратиб берилган. Иўл жамғармаси томонидан маблағ олганлар ҳам бор.

Чорсу майдонида Навоий мавзе-сигача бўлган марказий автомобил йўли бўйида бунёдкорлик ишлари жадал давом этмоқда. «Кўкон-Харқов-наос», «Индорама Текстиль ЛТД» қўшма корхоналари ва «Кўкон-Асака текстиль», «Кўкон Люкс Текстиль» МҲК лари янгидан иш бошлади.

Архитектура ва шаҳарозлик кенгаши йилгилиши баёни асосида шаҳар худудини 5980 гектарга кенгайтирилиш қўзда ту-

МАСЪУЛ СЎЗ ЭҲТИЁЖИ

Тақдир, ризқ-насибаси матбуот билан боғлиқ ахли қалам, ахли ижод борки, йигирма еттинчи июн тонгини ёруғ кайфият билан қаршилайди. Ахир, бугун уларнинг байрами! Аслини олганда, озод юртининг озод ижодкорлари учун ҳар кун байрам. Чўнки унинг ўзи ҳам, сўзи ҳам эркин. Жўшқин овози эфирда баралла жаранглайди. Ҳеч ким уни ёзма, бун ёз, уни айтма, бун айт, дея биқинига турткилаб турмайди. Цензура отлиг иллат, тақийтазийқ истиқлол шарофати билан бартарат этилган. Матбуот ҳодимларининг ҳақ-ҳўққини қафолатлайдиган, ҳимоя қиладиган қўнларимиз бор.

Бугуннинг кунда ана шу қўнлар маънавиятида демократик ислохотларни янада қўчурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қўнунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги Президентимиз маърузасида илгари сурилган фикр ва тақлифлар асосида депутатларимиз томонидан янада тақомиллаштирилмоқда. Лекин матбуот ҳодимларига кўрсатилаётган иззат-икром шу билангина чекланиб қолган эмас. Уларни давлатимиз, ҳукуматимиз мунтазам моддий-маънавий қўллаб турибди. Аввал Муस्ताқил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, кейинчалик Ўзбекистон Ёзувчилар уюشمаси ҳузурда «Ижод» жамоат фонди ташкил этилиши ҳам фикримизнинг ёркин далилидир. Хар йили ўтказиб келинаётган «Олтин қалам», «Энг улуг, энг азиз» каби кўрик-танловлар юртимизда ижод аҳлининг меҳнати нечоғлиқ кадр топаётганини кўрсатиб турибди! Бундай эътибордан кўнгиқорларга фараҳ, сурур кириб келади, юртга, элга керак эканимизни, жамиятда ўз ўрнинимиз, ўз вазифамиз борлигини ҳис этамиз. Шу ағнаш туйғуси омон бўлсин! У ахли ижодни оёққа турғизади, қўлига қоғоз-қалам тутқазади. Уни ўз мактебига, ўз иззат-обўрўсига муносиб сўз айтишга ундайди. Муносиб сўз, бу масъул сўз! Масъул сўз сохта дабдабадан, жимжима, ялтироқликдан йироқ сўз демек. У замондос руҳиятига, онг-шуурига жавабгарлик ҳис билан ҳаммиса лиммо-лимдир.

Фақатгина Муस्ताқиллик моҳиятини, озодликнинг асл қадр-қимматини кўнгиқорларга нуҳдек сингдира олади. Фақатгина у мафқуравий курашларда собит туриб, истиқлолнинг ҳур гоғларини ёт ақидалардан, бузўқ тушунчалардан мардонда ҳимоя қилади, қалбларни қабоҳат ва ёвуз туйғулардан асрай билади. Демакки, ижодкорнинг масъул сўзига бугун ҳам, эртага ҳам эҳтиёж катта. Ва шу баробарида мамуният билан қайд этиб ўтиш ўринлики, ўша масъул сўз бугун юртимиз бўйлаб беорон кезиб юрибди. Адебиляризмнинг асарлари, матбуот нашрлари, телерадиозатувлари орқали ҳар кун, ҳар соатда хонадонларимизга кириб бораёпти. Ватанпарварлик, яратувчанлик гоғларини тарғиб этишда, ҳалқимиз маънавий оламини бойитишда беминнат хизмат қилаёпти. Унда давр нафаси, бунёдкорлик завқ-шавқи, ҳайрат-ҳажмон мавжланиб турибди.

Аmmo шу ўринда кўнгиқорда бир истиқлола пайдо бўлади: бугуннинг ҳайратларига анчайин ошфута бўлиб, Истиқлолимиз тарихи ижодкорларимиз зиммасига юклаган жиддий вазифаларни унутиб қўймадикмикан? Шундай вазифалардан бирига биз ўтган йили Фарғонага борганимизда дуч келдик. Бувайдалик муаллим дўсти-мизимиз кўк-кўк дов-дарахларга бурканган, чиройли, каттагина кишлоққа ишора қилиб гап бошлаб қолди:

«Бундан йигирма бир йил муқаддам шу кишлоқлар ўрни ҳосилдор экин далалари бўлган...» Ҳа, ёдга тушди! У пайтлар ҳали собиқ итти-

фоқ исканжасида эдик. Эндигина Ўзбекистон раҳбари бўлиб келган Ислом Каримов фарғоналикларнинг оғир турмуш шароитини ўнглаш мақсадида қанчадан-қанча сугорилидаган, унумдор ерни аҳолига томорқа сифатида бердирган! Албатта, бу осонгина, жўнгина бўлиб қолгани йўқ. Республикаимиз раҳбари Москвадаги тўраларга, ўз соясидан ҳам чўчувчи, жонсарақ маҳаллий амалдорларга масала моҳиятини чуқур таҳлил қилиб, ўз қарорининг нақарда зарурат эканини исботлаб берган, улар билан қатъий курашган. Уша пайтлар собиқ тузум ҳали-ҳануз қатагон қилчанини ўйнатиб турганини ҳисобга олсак, Ўзбекистон раҳбарининг бу амалий ҳаракати насорат, ҳалқ манфаати йўлидаги фидокорлик жамунаси эканига яна бир қарра амин бўламиз!

«Бугун бу ерларда қанчадан-қанча ёш авлод униб-ўсмоқда, — дея ҳажжонли ҳикоясини давом эттирди муаллим, — биз катталар кишлоғи-

27 июн — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ҳолиялари кўни

миз тарихини баҳоли қудрат, оғзаки тарзда ёшларга гапириб берамиз. Афсуски, қўлимизда ўша тарихий воқеалар батафсил ёрилган манбала, қизиқарли китоблар йўқ...»

Мана, бизни ҳижолатга қўйган ўша ҳолат. Тарихни, хотирани тиклаб, асраб-авайлаб келажак авлодларга етказишга бурчли бўлган ижодкорларимизнинг масъул сўзи қани? Ҳолбуки, истиқлолни қўлга киритиш арасида ҳам, унинг мустақам пойдоеври қўйилган дастлабки йилларда ҳам, юқорида тилга олингани каби ўта аҳамиятли, ибратли тарихий воқеалар жуда кўп бўлган. Масалан, дунёдаги автомобиль санаятига эга, шунингдек, олтин ишлаб чиқарувчи санокли мамлакатлардан бири жоннаҳон Ватанимиз эканлиги ҳақида тўлқинлик вазири, бот-бот тақрорлаймиз. Ҳолбуки, Ўзбекистон бундай юксак мақомларга Муस्ताқилликнинг илк давридаёқ, собиқ иттифоқ республикалари ҳали жонсарақ бўлиб турган бир пайтлардаёқ эришган эди!

Бу улкан ютуқлар замирида ҳалқимизнинг порлоқ келажакка ишончи мукжасам! Тўғри, бу муҳим воқеалар ҳақида ўша пайтлар матбуотда ёзилган, телекўрсатувлар, радио эшиттиришлар тайёрланган, ammo шунинг ўзи етарлимикан? Ўша жасоратли давр тўғрисида, машаққатли кунларда фидокорона меҳнат қилган одамлар ҳақида кўпроқ билишни, улар ҳаётидан ўзига сабоқ олишни истаган ёш авлод, наҳотки, бугун архив материалларини титқилаши жоиз бўлса?! Модомики, муаммо шундай экан, бугунги кун ижодкорларининг, адибу шоирларининг масъул сўзига яна бир қарра эҳтиёж сезамиз. Муस्ताқиллик учун кураш тарихи, унинг бунёдкорлик, янгиланиш шўқуқиди эътаётган ҳар бир кўни салмоқли, қўламли бадий, бадий публицистик асарларда акс этиши лозим. Шундай асарларгина Истиқлолнинг асл қадр-қимматини ағнаштишда, улуг Ватан билан ҳаммиса ҳамдард, ҳампафас бўлишда бекиёс аҳамият касб этади.


Албатта, адибу шоирларимиз ҳаммисагидек қайноқ ижодий фаолият оғушида. Муस्ताқилликнинг кўтлуғ йигирма йиллик тўйи арасида улар жойларга чиқиб бунёдкор ҳалқимизга ўларнинг давваткор сўзи, самимий мулоқотлари билан қамарбаста бўлишапти.

Луқмон БҮРИХОН, Ёзувчи

ЮРТНИ СЕВсанг, БОРИН СЕВ

Бошланиши биринчи саҳифада

Эллиққалъа туманидаги анжуманлар тугагач, Амударё орқали Урганчага ўтдик. Хоңқа туманидаги Томадурвадик кишлоғи дала шийпонидида бўлиб ўтган адабий учрашууда пойтахтдан таширғи бюурган меҳмонлар билан биргалликда маҳалла фаоллари, пахтакорлар, касб-ҳунар коллежлари ўқувчи-



Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўйлаб рава

Чўлпонхонлик

Истиклол тўфайли миллатимизнинг улуг сиймолари юксак эътибор ва қадр топмоқда. Ҳалқимизнинг оруз-армонларини, дарду изтиробларини қўйлаган, қўксиди орт шайнини, ал ғамини кўтариб, Ватан озодлиги йўлида жон фидо этган оташнафас шоир Абдулқамид Чўлпон ҳам ана шундай сиймолардан биридир.

Андюжон шаҳридаги Чўлпон Ғофияда Муस्ताқилликнинг 20 йиллиги муносабати билан «Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан» шiori остида чўлпонхонлик кеҳаси бўлиб ўтди. Таниқли шоир-ёзувчилар, нурунийлар, талабалар ва кўп сонли адабиёт муҳлислари Чўлпон ҳайкали пойига анвойи гуллар қўйдилар. Шундан сўнг шоирнинг рамзий қабри зиярат этилди.

Тадбирда таниқли ижодкорлар шоирнинг ибратли ҳаёти, бетакрор адабий мероси, бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмай келаётган умрбоқий асарлари ҳақида сўзладилар. Ёзувчилар уюшмаси қошидаги «Бобур издощлари» адабий тўғарга аъзолари Чўлпоннинг ватанпарварлик ва инсонпарварлик мавзуидаги шеърларидан ўқидилар.


Санъаткорларнинг Чўлпон шеърлари асосида қўйлаган дилрабо қўшиқлари даврага фойа бағишлади.

ёшлари ва хоразмлик ижодкорлар иштирок этиди.

Боғ яратган, пешона тери билан гўза парвариллаб, шолн эккан меҳнаткашларнинг салқин ҳовуз бўйида, улкан ва сершоҳ гўжумлар соясиди бир мудард хордик чиқаришлари мароқли.

Абдулла Орипов муस्ताқилликнинг эълон этилишининг ҳаяжонли ва унутилмас онлари, она тилимизга давлат тили макрмини берилдиш жараёни, фидокорлик ва маънавий жасорат ҳақида сўзлаб, тадбир иштирокчиларини ҳозирги адабий жараён янгиликлари билан таништирди, янги шеърларидан ўқиди.

Шоирлар Гавҳар Ибодуллаева, Ошиқ Эркин, Турсун Али, Курбон Муҳаммадризо, Бибисора Отаева, Сайёра Самандарова Ватан ва мустақиллик мавзуидаги шеърларидан ўқидилар. Санъаткорлар икром этган дилрабо куй-қўшиқлар тадбирга кўтаринки руҳ бағишлади.



Улкан «Боинг» да парвоз қилаёттиб, ойнакдан Амударёга боқдик. Дарё сувлари қуёшда ялтираб мавжланади. Сув жонли мавжудот. У қўради, эшитидаи ва сезади. Бизнинг учрашувимизни хотирасида сақлаб қолади. Устойимиз Амударёга бағишлаган шеърини ҳаёлан тақрорлайман:

Амударё, мен сенига Топинганман пир мисол. Абдайсан дунёда Ҳазрати Ҳизр мисол.

Рустам МУСУРМОН

Ватан учун яшайлик!

Тошкент – Денов йўналиши бўйича қатнайдиган поезд тоғларнинг бағрини завқу шавқга тўндириб боради. Унинг ҳайқирғидан гўё борлиқда кеҳис қўнчон таралаятгандек эди. Филдирлардан қилинаётган сонгли куй садоси олис ўтмишни эсимга солди... Ушанда саксон беҳишчи йилнинг куз охирида қолган палласи ҳарбий хизмат бурчинини ўтаб, бир дунё соғинч билан поездда Москвадан йўлга чиқдим. Ҳамроқларим белорусиялик ҳарбий зобитлар хизмат сафари билан Афғонистонга кетишга ётганиди. Улар билан Термизгача бирга келдик. Зобитларнинг йўли илк бор Афғонистонга тушгани боис у ўлка ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлишни исташарди. Мен эса бир умр боши ғалавдан чиқмай келган заҳматкаш афғон ҳалқи ҳақида лом-ним демасдим. Беҳисоб уруш азобларини бошидан кеңирган миллатнинг қисматини билмай туриб бир нарсга дейиш кийин...

Поездимиз Тошкентга етиб келганда завқларимни дилимга сиғдирилмай қолганим. Тугулиб ўсган она юрт тўпроғининг ховуридан бир зумда гўё маст бўлиб, ҳаёлимда дунёнинг бирон гўшасида Ўзбекистонга тенг келадиган жой йўқ, деган ўй кеҳиди. Ҳамроқларимга йўлайўлақай тугулиб ўсган юртим ҳақида фахрлиниб гапирганим боис унинг исботини кўрсатмоқчи бўлиб купе деразаси пардаларини икки ёнга сурадим. Зобитлар тушкун кайфиятда эдилар. Улар гўё тушида кўриб уйongan киши-

дек тўрт томонга унис эланглашарди. Менинг қувончларим уларни қувонтирилмасди.

– Эҳ, – деди улардан бири, – биз юртингиз ҳақида бутунлай бошқача таассуротда эдик... Аммо биз ўйлаган каби эмас экан... Улар йўлайўлақай талапартиш қурилган пастак лойсувоқ помаларга ижиргани қарашар ва бот-бот жавобиз жумбоқларга рўбарў бўлишарди. Энг ачинарлиси, пахтазорларда юрган кўсақ чувши машиналарнинг чанг тўзонини эгалтарлар сочилган элнинг дилдираб чаноқ излаётгани уларнинг ҳайратига ҳайрат қўшарди...

Бугун ўша дилгир дамларга ҳам роп-пароса йигирма етти йил бўлибди. Уч-ур йиллар карвони нималарга қодирлигини намоён этиди. Истиқлолнинг порлоқ кўши балбик чиққан илк кунлардан бошлаб қанчадан-қанча муаммолар ечимини топганиму ҳар қадамда озод юртининг обод масканлари менга боқ дея пешвоз чиқши фикримиз далилидир. Поездимиз тоғларнинг бағридан елдек елиб ўз йўлимиз билан юргүрилётгани бунга мисол бўла олади. Тошкентдан Сурхонгача равон йўлларнинг икки томонида қад ростлаган замонавий уйлар бир пайтлар мен жавоб

топган саволларига жавоб бўлиб, эски манзараларни тамомилан ювиб ташлаганди... Термиз шаҳрига келган меҳмонлар гулзорларга бурканган нақвирон шаҳарнинг ёркин кўчаларида сайр этиб баҳру дили очиларди. Элда-Минг бор эшитгандан бир бор кўрган афзал-деган ибора бор. Бу мафтуноқ шаҳарнинг қучоғида кезиб юришининг гаштига нима етсин... Ҳикомани Сурхон воҳосининг қалби қайноқ бўлган суҳбатимизда шунинг гувоҳи бўлдики, сарбосиёликларнинг турмуш тарзи бутунлай янғича тус олган.

Икки гектар майдонда «Ёшлар боғи» барпо этилиб, унга беш мингдан зиёд ҳар хил ноёб кўчатлар ғўзаланиган, боғда очилган ранг-баранг гуллар ва ноёб кушларнинг келтирилиши ёшларнинг маънавий хордик чиқариши учун яратилган катта имкониятлардан биридир. Энди ҳаёт осторинасига илк қадам қўйган келин-қувларнинг йўли мана шу бекиёс боғ билан боғланади. Боғнинг тўридан қўнм топган бахтиёр она сиймоси акс этган

бўлган суҳбатимизда шунинг гувоҳи бўлдики, сарбосиёликларнинг турмуш тарзи бутунлай янғича тус олган. Икки гектар майдонда «Ёшлар боғи» барпо этилиб, унга беш мингдан зиёд ҳар хил ноёб кўчатлар ғўзаланиган, боғда очилган ранг-баранг гуллар ва ноёб кушларнинг келтирилиши ёшларнинг маънавий хордик чиқариши учун яратилган катта имкониятлардан биридир. Энди ҳаёт осторинасига илк қадам қўйган келин-қувларнинг йўли мана шу бекиёс боғ билан боғланади. Боғнинг тўридан қўнм топган бахтиёр она сиймоси акс этган

Зироатчилик ишлари қизган тус олган паллада галла ўрминчи бошлаб юборган фермер ҳўжалиқларида ҳам бўлди.

– Бу йил галламиз ўтган йилгидан ана мўл, ҳосилдорлик олтиш центнердан кам бўлмапти, – дейди фермер Исқандар Қасиров.

Демак, галла мўл бўлса элнинг дастурхони нонга тўлади. Анорлари машҳур дашнабодликларнинг тиниб-тинчимас ишбосиши Абдуғаффор Аҳмедов аклини танганидан буён одамларнинг суякли «раис бобо»-сига айлангани беҳиз эмас... Айна кунда вилоятда Туркия билан ҳамкорликда янги олмасзорлар боғлар бунёд этилди. Вилоят бўйича ташкил этилган бир юз ўн етти гектар боғнинг эллик ўн гектари Сарбосиё тумани мўсталик иқлимига мос тушди. Бу боғнинг ўн гектарини парвариллаш масъулиятини Абдуғаффор ака ўз зиммасига олди. Раиснинг айна дамада олиб бораётган ҳайрли ишларини кўриб қувондик. Айнакиса, у қўрган «Қўрқ чинор» дам олиш макани туман кўрғига кўрқ қўшиб турибди. Туман ҳокимлиги Президентимиз ташаббусида жавабдан Туплон дарёси бўйида жойлашган Зарқоб кишлоғида «Ижодкорлар боғини» барпо этиш учун бир гектар ер ажратди. Энди республикамизнинг турли гўшаларида янаб ижод қилаётган Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси бўлган сарбосиёлик шоир ва ёзувчилар ўз тугулиб ўсган кишлоғи томон талинганда беҳиштер дарё билан дилишши бахтига эришади.

– Тўпроғини қадрлаган одам ҳор бўлмапти, – дейди меҳнат фахрийси Эрон бобо Жумаев.

Сарбосиёда ким билан суҳбатлашмайлик шу сўзларнинг гувоҳи бўлик.

Ахтамкул КАРИМ



бўлган, мадраса ҳўжраларида тунанган, мана шу йўлларда ҳаёланган юрган экан.

Ҳозир бу жой шаҳар маркази. Унинг бетакрор нақшлари ҳақ нафислик, ҳам улғуворлик тимсоли. Узоқдан кўзга ташланиб турадиган, ранго-ранг ва муҳташам бино атрофи кишин-ёзин кўм-қўм майсалар билан қопланганки, бу унинг ҳуснини янада оширади. Чиройли йўлқалар, оқшомлари, айниқса, сеҳрли манзара касб этади. Бу ердан тўғри Истиклол кўчасига чиқилади. Бу кўчада ҳам ажиб гўзалликлар дуч келасиз.

Ўрда майдонига туташ кўчалардаги айрим эски бинолар бузилиб реконструкция ишлари олиб борилади, иккита янги фаввора қурилади. Тарихий биноларни тиклаш ишлари ҳам ниятга етказилмоқда. Ҳар бир муҳим тарихий биноларни қўриш ва таъмирлаш ишлари, «Ақвалар», «Бахт уйи» ва «Тантаналар саройи» қурилиши олиб боришмоқда.

Шаҳар бош меъморни Ҳамзахон

тилган. Яқин келажакда яна қўллаб маданият-маиший, савдо, умумий овқатланиш, турар-жой объектлари қад кўтарарди. Бу аҳоли турмуш тарзига, ободончилик ишларига ижобий таъсир этади.

Дарҳақиқат, бугунги Ҳўқанди латифини янада гўзаллаштирган янги бинолар, таъмирдан чиққан иншоотлар ўз маҳобати, чиройи билан ҳаммани мафтун этаёттир.

Шаҳар эски тўғрини ташлаб янги либос кийди, кўнгиқорлар обод бўлди.

Айнан шу тарихий ўзгаришларнинг гувоҳи бўлаётганимдан, у ҳақида сўз айтиш имконига эга эканимдан мен ҳам ўзимни бахтли ҳис этаман. Жаҳонга юз тавтаётган Ўзбекистон, унинг бир латиф гўшаси — шоирлар санъаткорлар, хунармандлар шаҳри фарзанди эканимдан қалбим кеҳис қувончага тўлади. Нурили келажак, бахт остонаси сенга муборак бўлсин, эй кўхна Кўкон! — дегим келади.

Гулбахор САИД ҒАНИ

МУНАВВАР КҮНГИЛ МАЪРИФАТИ

Бу фикрларнинг ёзилишига илмий ходим Абдусаттор Жуманазарнинг «Мабаддай нур» ва калаваннинг икки учми» номи билан бахона қилинган мақола сабаб бўлди. Мақола муаллифининг фикрича, калаваннинг бир учма Раҳимбобо Машраб, иккинчи учма эса Хофиз Рўзбой турибди. Калаваннинг қаеридадир «Мабаддай нур», «Кимё» китоблари. Хуллас, мақсад — «Мабаддай нур», албатта, «Кимё» ҳам бу ижодкорларнинг қайси бирига тегишли эканини аниқлаш, узок йиллар давомида адабиётшунослар, манбашунослар олиб бораётган бахс-мунозараларга нукта қўйиш. Шу мақсадда А.Жуманазар тадқиқотларини икки тоифага ажратиб, ўзича муқаммал, ҳалигача ҳеч ким айтмаган илмий бир фикрни ўртага ташламоқчи бўлади:

1. Бу тоифага А.Вяткин, Фафур Фулом, Машхур Зокиров, Поён Равшанов ва, жумладан, А.Жуманазар;

2. Иккинчи тоифага эса, Абдурауф Фитрат, Абдулла Носиров, Исмаилулло Абдуллаев, Жалолиддин Юсупов, Мўмин Хошимовнинг киритади.

Буларнинг биринчи гуруҳи иккинчи бир Машрабни кашф қилиб, «бу Машраб»ни Хофиз Рўзбой исми билан «Соний Машраб» дур деб белгилайдилар, уни «Мабаддай нур» ва «Кимё» асарларининг муаллифи даражасига кўтариладилар.

Иккинчи гуруҳ тадқиқотчилар эса уларнинг фикрларини мулкка рад этиди. «Мабаддай нур» ҳамда «Кимё» асарлари фақат Раҳимбобо Машрабга мансублигини қатъий равишда эътироф этидилар.

«МАБАДАЙИ НУР» РАХИМБОБО МАШРАБНИКИ!

Мақола муаллифининг тадқиқотига қуйидаги эътирозларим бор:

1. А.Жуманазар «...кўлёмза асарлар электрон каталогини тузишда «Мабаддай нур», «Кимё» ва «Ғазалиётни Эшон Машраб» каби шеърлар тўпламига дуч келиб, уларни аниқ ва батафсил тавсифлаш зарурати пайдо бўлди» деган хулосага келиб, дафъатан «Мужаҳидийларнинг Бухоро хонлиги маърифий ҳаётида тугган ўрни» мавзудаги тадқиқотида(?) «Рўзбой Машраб мужаҳидийлар сафида учради», дейди. «Дуч келди», «тадқиқотда учради», «зарурати пайдо бўлди» каби битаклилар А.Жуманазарнинг тадқиқоти «нечоғли зарур, долзарб ва аҳамиятли» эканини кўрсатиб турибди. Чунки бу фикрлар масаланинг туб моҳиятига эмас, балки унинг баъзи зоҳирий томонларига қаратилган. Тадқиқотчи ўз биланларини Раҳимбобо Машраб — «Мабаддай нур», «Кимё» — Рўзбой масалаларини бир-бирига қарама-қарши қўйиш орқали ўқитиришга ҳаракат қилади. Аммо шу ўринда А.Жуманазар, ҳеч бўлмаганда, бир марта «Мабаддай нур»ни ўқиганини, деган савол туғилади.

2. В.А.Вяткин ва Абдурауф Фитрат ҳақида («Мабаддай нур», ва «Кимё» мисолида) А.Жуманазар шундай дейди: «А.Вяткин, биринчи бўлиб «Мабаддай нур» Бобораҳим Машраб асари эканига шубҳа билдириб, иккинчи Машрабни таниш учун илк қадамни ташлаб берган бўлса, орадан етти йил ўтиб, профессор Абдурауф Фитрат В.А.Вяткин фикрларини бутунлай рад этиди». «Бирок Фитратнинг «Машраб» таҳаллусли яна бир шоир борлигидан шебабарлиги ҳам шу мақолада билиниб қолди», «...анча муваффақиятли тадқиқотчи амалга оширганди» каби баҳо-лар билан В.А.Вяткинни мақташ туйғули у янада обрўланиб ҳам, ўзбекининг биринчи профессори Абдурауф Фитратдек тарих ва адабиётимиз билимдонини юзаси баҳолаш орқали улуклиқ мартабасидан тушириб қўймоқчи.

Раҳимбобо Машраб шеъриятдаги қаҳрамонона ҳайқирдиқ, мискинона ғариблиқ, доҳиёна донолик, ҳайратланарли девонаворлик ва бошқа бир-бирига зиддек кўринган қарашлар аслида битта Машрабнинг ўзига хос хусусиятларидир. Машрабнинг лирик асарларидаги турфа рангда жилланувчи шеърларига кўникиб қолган ҳар қандай киши Оллоҳдан бошқа ҳамма нарса беркорлигидан таълим берувчи «Мабаддай нур» ва «Кимё» китобларини ҳам шу Машраб яратганига ишонгиси келмайди. В.А.Вяткин ҳам шундай тоифадаги киши бўлган, ҳолос. Унинг бу борадаги билгани гумон ва тахминдан ўзга нарса эмас. Қуйида бир ғазал таркибидан келган икки байт-ни мисол тариқасида келтирамиз:

**Қаландар Машрабнингман, икки оламни тегиб ўтгум,
Бихиштар ўтган гилмонинг пучак пулга сотиб ўтгум...**

**...Куюб ўтган ман — девона Машрабни сўраб бўлсанг,
На ерда аҳли дара топдим, қўзум ёниб сениб ўтгум.**

Ғазал матлабидидаги «қаландар Машраб» билан унинг мақтасида келтирилган «девона Машраб» ўртасида, юзаси қараганда, осмон билан ердек фарқ бор. Агар Машраб таҳаллусли ва унинг сифатлари соқит қилинса, фақат Вяткин эмас, балки тасаввуфдан йироқ ҳар қандай ўқувчи ҳам бу байтларни бир Машрабга нисбат бермаслигини аниқ бўлур эди. «Мабаддай нур» ва «Кимё»нинг иккинчи бир Машрабга мансуб бўлиб қолишини истаётган ҳар қандай тадқиқотчи ҳам шу йўлни танлаши ажабланарли ҳол бўлмасди.

Бу борада йўқ ердан «Машраби Соний»ни ўйлаб топишинг ҳеч бир ҳожати йўқдир. «Мабаддай нур» ва унинг «Девон»и таркибига киритилган шеърлар, ҳикмату ҳикоятлар бир шоир, яъни Раҳимбобо Машрабнинг ижод маҳсулидир. Шу ўринда Абдурауф Фитрат долманинг тўғри фикрлари, исбот ва баъзи тахминларига ҳеч бир эътироз билдириб бўлмайди. Фитратнинг икки қўлёмза ва бир тошбосма Машраб асарлари доирасида Вяткиннинг тахминларини йўққа чиқарувчи хулосаларга келишининг ўзи бир мўъжизадир.

3. Воҳид Абдуллаев нега Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Сўфи Оллоёв ва Ҳасанқали Аҳсанйилларни реакция шoirлар сафига, Раҳимбобо Машрабни эса прогрессив ижодкорлар сафига қўшиб қўйган? Нега Фафур Фулом Машрабнинг «Мабаддай нур» ва «Кимё» асарларини Хофиз Рўзбойга нисбат берган? Фафур Фулом ва Воҳид Абдуллаевнинг асл мақсадлари нимадан иборат эди? Бу киши аиллома кўзлаган мақсад аслида биттадир: Раҳимбобо Машрабни «Мабаддай нур» ва «Кимё» асарлари муаллифлигидан ҳалос этиш ва шу йўл билан «Қиссай Машраб» манқабаларида сақланиб қолган ғазалиётни Эшон Шох Машрабдан халқни баҳраманд этиш эди!

4. «Олдимга кел» радифи ғазал ёхуд унинг муҳаммас варианты «Машраби Соний»нинг кашф этилиши учун гўёки энг тубтали далил ҳисобланади. Яъини, 1876 мелодий йўли кўчирилган бисотимиздаги мажмуа таркибидан келтирилган ўн беш байтга ғазалдан бир неча байт-ни ўқувчилар ҳукмига ҳавола этамиз:

**Гавҳари кимё талаб бўлсанг, манинг олдимга кел,
Мавжй ул дарё талаб бўлсанг, манинг олдимга кел.**

**Чун гулистон чамандин санга во айлай сухан,
Булбулгўё талаб бўлсанг, манинг олдимга кел.**

**Яхшиларнинг нисбати ҳоло манинг дастимдадур,
Нурдин имло талаб бўлсанг, манинг олдимга кел.**

**...Зоҳирий исм Рўзбою, Мавлавий ўғдум деган,
Машраби шайдо талаб бўлсанг, манинг олдимга кел.**

Ҳаёт — бозор. Унда сотувчи — устоз, пир, шайх; олувчи — харидор — толиб — талабор — мурид. Бозорда харидор олмоқчи бўлган ҳамма нарса мавжуд. Фақат бу бозорда маънавий бойликлар олувчи — толиб диққатига сотувчи — пир томонидан тавсия этилади... Шубҳасиз, Хофиз Рўзбой валий, қўкси иймон тўла, доно киши. Буни унинг юқоридаги шеъри ҳам исботлаб турибди. Буни ҳик қилган ҳолда Абдусаттор Жуманазар икки буюқ сиймога нисбатан адроллати ҳукм, хулоса чиқаришни очик-ойдин хоҳламаяпти чоғи?

Икки Машрабни (агар иккинчиси ҳақиқатан

қилинган. Асарда Раҳимбобо Машрабнинг «Мабаддай нур»и тўла-тўқис келтирилган. Фақат фарқи шундаки, Машрабнинг тугалланган бирор-бир ҳикояти ёхуд ғазали сўғида Ҳазин томонидан ўша тугалланган асарга нисбатан муносабат билдириб ўтилган. У ўзи томонидан ижод қилинган ғазал бошланмасида «Бу ғазал муносиби ҳикоят» қабиллидаги ишораларни ҳамма ўринда таъкидлаб, ажратиб-кўрсатиб борган. «Бу ғазал Эшон Шох Машрабим «Машоми жонни ишқ муаттар қил» дегони» қабиллидаги сўзлар алоҳида таъкидланиб, сўнг Машраб ғазали тўлалигича келтирилган. Ҳазин ўз ғазали мақтасида:

**Ҳазин мискин қўлуирир мисл Машраб Мабаддайи нур бор,
Бу қалб титрасин лутғи қарамдин, айла нуруни, —**

каби аниқлик билан «Мабаддайи нур» Машрабни, менга ҳам шу нурдан насиб эт, ҳаяжондан қалбим титрасин маъносидagi жумлаларни келтириб ўтган. Бу Ҳазин томонидан киритилган ҳамма-ҳамма ғазаллар мақтасига тааллуқли хусусиятидир. Ҳўш, шу билан, «Мабаддайи нур»ни Ҳазин ёзган экан-да, десак бўлади-ми? Йўқ, албатта. У пайрав асар. Хофиз Рўзбой ҳам худди шу йўлдан бориб, Шох Машрабга пайравлик қилган бўлиши эҳтимоли йўқ эмас. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам «Мабаддайи нур»ни Ҳазинга ҳам, Рўзбойга охунда ҳам нисбат бериб бўлмайди.

5. Узок йиллар давомида Шарқшунослик институти катта илмий ходими бўлиб ишлаган донимшанд инсон Абдулла Носиров ҳаётининг сўнгги йилларида «Мабаддайи нур» ва «Кимё» асарларини текширган айрим тадқиқотчиларнинг тадқиқотларида ишониб, ўринсиз хулосага келгани, аслида бу асарлар Раҳимбобо Машраб Намангонийга тегишли эканини шубҳаланиброқ бўлса-да, тан олган эди ва бу ҳақда ўз тадқиқотларини (109-инв. рақамли — **Ж.Ю.**) ёзиб борган дафтарларида қайд ҳам этиб ўтган эди. «Айни дамда (Абдулла Носиров назарда тутилмоқда — **Ж.Ю.**) «Мабаддайи нур»нинг Бобораҳим Машрабга тегишли эканлигини ҳам исботлай олмайдми», — дейди Абдусаттор Жуманазар. Аммо диққат билан ўқилса, Абдулла Носиров Рўзбой Хофиз тўғрисида айни ҳақиқатни айтиб кетган.

6. Абдусаттор Жуманазар мақола давомида шундай хулосага келади: «Умуман, 1990 — 2010 йиллар Машрабшунослиқда янги дурр бўлди. Бу даврнинг бугунги фаолларидан бири Мўмин Хошимовдир. У Ж.Юсупов ва И.Абдуллаев қарашларини қувватлайди. Бирок бу тадқиқотчилар Рўзбой Машраб ҳаёти ва ижодига доир бирор муҳим илмий янгилик олиб кирган ёки бунга деярли эътибор қаратган ҳам эмас».

Хурматли Абдусаттор! Сиз Рўзбойни «Машраби Соний», «Рўзбой Машраб», «Хофиз Рўзбой», «Мулла Рўзбой», «Рўзбой охунд» ва баъзан қулоққа қалинчи қоладиган «Рўзбойи Ҳасоний» деб айтасизми, барибир, у Рўзбойдир. У фақат Рўзбой сифатида мавжуд. Машраб сифатида номавжуддир. «Мабаддайи нур» асари муаллифи сифатида номавжуддир.

7. Шарқшунослик институтини қўлёмзалар хазинасида сақланаётган 3773, 3786-рақамли «Мабаддайи нур» китоблар айна бир йилда — ҳижрий 1126 — мелодий 1713 йили ёзилган ва х. 1283 — м. 1866 йили қўйрилган. 3786-рақамли қўлёмза муқаддимида «Девона Намангоний Мулло Раҳимбобо машхур Машраб-дурман. «Маснавий»и Румийни турк тилига шарҳ қилдук, исмини «Мабаддайи нур» деб таом қилдук», деган ёзув бор. Аммо «Машхур Машрабдурман», «шарҳ қилдук», «таом қилдук» каби қайтлар Машрабга хос эмас, у қўллик қўшимчасида берилган. 4566-рақамли «Мабаддайи нур» муқаддимида «Мулло Раҳимбобойи Намангоний эрур, «Маснавий»ни шарҳи форсийдан қилсам, китоби «Мабаддайи нур» бўлди», деган ёзув бор. Бундай қайтлардан бири И.Абдуллаев нашрга тайёрланган «Мабаддайи нур» китобининг 15-бетига ҳам бор. Бундай қайтлар мен кўрган, кузатган ва нашрга жалб этганим «Мабаддайи нур»ларнинг деярли ҳаммасида мавжуд. Бирини десак, алоҳида қизил рангда «Шарҳи Раҳимбобойи Машраби Намангоний «Маснавий»и Мавлавий Жалолиддин Румий қадасаллоҳи руҳумо» тарзидаги бошланмалар бериб берилган.

8. Баъзи тадқиқотчилар Машрабнинг «Мабаддайи нур»идаги шеърлар билан унинг «Девон»идаги ўхшашлиқни, машрабона рутбани, фақат унинг ўзигагина хос бўлган услубини билешмайди ва бу ҳақда ўйлаб ҳам қўршмайди...

Жалолиддин ЮСУФИЙ, Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, машрабшунос

Хатирчи

* Газетада мазкур мавзуда эълон қилинган мақолада бу асар ном «Мабад нур», «Мабадай нур», «Мабаддайи нур» тарзида келади. Бунда биз мақола-лар муаллифларининг талқинини сақлашни лозим топдик (Таҳририят).

Маърифатли қалб соҳибининг тафаккури бой, фикрлаш қўлами кенг бўлади. Унинг тонгдек мунаввар кўнгили кўзи борлиққа меҳр билан боқсади, ҳаётда згулик барқорорлигидан шодланади. Шу боис, ҳар қандай маъмур оҳангга йўғрилган шеър ё дурд билан ёзилган ҳикоя ёки роман қаттидаги неқбин талқинларга ўқувчи кўнглини ўстирадиган сўз сеҳри ҳосилдир. Ана шу сеҳрни ҳис этиш, теран англаш эса китобхондан бадий-эстетик маърифатни талаб қилади.

Аслида адабиётшунослар, мунаққидлар иши, деб қараладиган бадий дид тарбиясида ёзувчи, шоирнинг эстетик принциплари акс этган адабий-танқидий асарлари ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Ушбу мулоҳазаларимизга туртки берган таниқли адиб, публицистик ва олим Хуршид Дўстмуҳаммадининг «Ижод — кўнгили мунавварлиги» («Mumtoz so'z» нашриёти, 2011) номи китоби ўқувчининг бадий сўз маърифатини эгаллашга қарши билан эътиборга лойиқ. Муаллиф адабиётдан сабоқ беришни мақсад қилмайдми, балки китобхон билан бирга — самимий сўхбат йўсинида бадий сир-асрорларини ўрганади: миллий адабиётимизнинг, жаҳон адабиётининг атоқли машхур намоёндалари, уларнинг ҳар бирига хос руҳий дунёси, шахси, асарлари мазмун-моҳиятини синчков нигоҳ билан кузатади, таҳлил ва талқин қилади. Айни шу жиҳат мазкур тўпламининг ўзига хос хусусиятидир.

Оли талқиндан иборат китобдаги ижодий портрет, очерк, сўхбат, лавҳа ва эссе-лар, муаллиф таъбири билан айтганда, адабиётнинг «мунаввар оламига олиб бору-чи сўмоқ йўлини бошлашни», Чуночки, «Вазмин жил-валар» деб номланган илк қисмдан адабиёт ва адабиётшунослик мавзуларидаги мақолалар жой олган.

Маълумки, уммондан чўмичлаб, челақлаб қанча сув олинмасин, қамайгани билан илмий, ижодий эълончи билан ёзилган асарлар ҳам қанчалик таҳлил ва талқин қилинмасин, уларнинг янги қирралари очилаверадими. Утган кунлар романи шундай асарлар сирасидан. «Отабек шуурининг оиди сурати» мақоласида роман қаҳрамонлари қалбидagi нур ва қоронғулик, қувонч ва изтиробларнинг вазият ҳамда табиат ҳолатлари орқали берилишини таъкидларкан Х.Дўстмуҳаммад атоқли адиб мақоратининг бетакор қирраларини кашф этади. «Илҳом манбаининг бир қирраси» мақоласида Мирмуҳсиннинг болалар образини яраттидиган ўзига хос услуби, «Китобининг эл ўқисини»да эса ўқиберибди Тўхтабевнинг умр мазмунини, ижод фалсафаси ҳақидаги фикрлари билан ўртоқлашади.

Ўзбек нарсис ўтган аср охири ва янги аср бошларида янги йўналишдаги ижод намуналари билан бойиди. Адабий тажрибалар, қизгин ижодий изланишлар жараёни замонавий ўзбек прозасида усулбар хилма-хиллигини таъминлади. Ёзувчи тасвир объекти объектив олам, воқелик, инсон ва

унинг хатти-харақати, у яшаган ёки яшаётган жамият муҳити, мафкураси доираси билангина чегараланиб қолмай, балки инсоннинг уларга муносабати, тўғрироғи, унинг тафаккур тарзи, маънавий-руҳий дунёсига эътибор қўймади. Китобхон эътибори бевосита қаҳрамонга эмас, балки унинг тафаккурига, психологиясига қаратилди. Х.Дўстмуҳаммад бу янгиликни қатор ҳикоялар ва романлар қаҳрамонлари сийратининг тасвирини таҳлил этиш орқали очиб беради.

Шунингдек, «Фирқашоирининг ҳикоялари», «Отангиздан тилло қолганими?», «Машхурликнинг бир сирини», «Адибнинг ажиб дунёси», «Олий хилқат», «Назарнинг умидбахш кемалари», «Бадий сўз масъулияти» мақолаларинан

ўқувчида ҳавас уйғотадиган даражада синчков нигоҳ ва таъсирчан, ростгўй талқин талаб этилади. Китобдаги «Орузлар мавсуми», «Уч лавҳа», «Тотли беҳаловат», «Янги замон одами» мақолаларини ўқиганда муаллифининг ана шундай истаёвдига эга эканлиги ишонч ҳосил қиламиз. Мақолаларда кибернетик олим, академик Восил Қобулов, фойласуф Сулаймон Азимов ва ҳуқуқшунос Акмал Саидовнинг фанлар ривожига ва маънавиятга қўшган ҳиссалари ёритилган. Эътиборлики, бу олимлар фидоийлигининг таъсирчан талқини ўзбек китобхонига миллий гурур туйғусини қувватлади ва айни шу жиҳат ушбу мақолаларнинг тарбиявий-маърифий аҳамиятини белгилайди.

Китобингизни ўқувам

Асқад Мухтор, Неймат Аминов, Ўткир Хошимов, Тоғай Мурод, Абусаид Қўчимов, Назар Эшонкул, Нуриддин Исмоилов ижодининг ўзига хос хусусиятидан воқиф бўлиб, уларнинг шахси-қамолига доир қизиқарли мулоҳазалардан қониқиш ҳосил қиламиз.

Китобнинг «Одам бахтли яшамок учун яратилган» номи қисмидан қай олган мақолаларда муаллиф ўқувчининг буюқ адиблар доҳосини англашга қорлайди. Хусусан, Х.Дўстмуҳаммад «Инсон қалби — коинот», «Буюк «зумраша» мақолаларида Фёдор Достоевский асарларидаги киши шуурига шуур қўшадиган, унинг қалбига инсоний фазилатларини сингдирадиган, мавжудлик ва ҳаёт ҳақида мушоҳада қилишга ундайдиган муҳим нуқталарини топиб, китобхонга тақдим этади, сўнг асарларда илгари сурилган концепцияни ёритади. Қуйидаги каби чиқарилган хулосалар эса Ф.Достоевский яшаган давр ва адиб дунёқарашини теран тушунишнинг ҳосиласи: «Жазо тарбия эмас, хусусан, тақриблигини кўршлаш орқали яққалаб қўйиш, яқмахоҳвага чиқариш орқали жазоланиш тарбияга мутлақо даҳли-йўқ! Бундай жазо — йўқотиш, махв этиш воситаси... Йўқотишга, махв этишга қаратилган жазо эки тарбия эса ёзувчиқа яқин». Бундай мулоҳазалар XIX рус адабиёт намоёнласининг феноменини чўқур англашга имкон беришига шубҳа йўқ.

Модернизм адабиёти классикари Жеймс Жойс, Франц Кафка асарлари таҳлили ва талқини жаҳон адабиётшунослигининг мураккаб мавзуларида ҳисобланади. Зеро, «Улисс», «Жараён» сингари романларнинг яратилганига 80 йилдан ошиб кетган бўлса-да, ҳануз улар ҳақидаги бахс-мунозаралар давом этмоқда. Бу йўналишдаги асарлар миллий адабиётимизда ҳам ёзувчида қўлдан чиқарилади. Китобдаги «Энг узун туш», «Одиссейнинг қайтиши» мақолалари модернизм йўналишининг моҳиятини англашга, бу турдаги асарлар муваффақиятини таъминлаган омилларни тушунишда ўзбек китобхонига маърифий қўмақ беради. XX аср жаҳон тасвирини ва кино санъатини сирлари, мазкур соҳаларнинг айрим йирик вақиллари ижодида доир кузатишларини муаллиф пафос билан таъсирчан ифодалаб беролган.

Хуршид Дўстмуҳаммадининг «Ижод — кўнгили мунавварлиги» китобини ўқиш жараёнида кўнгида турган айрим мулоҳазаларни ҳам айтиб ўтсам. Ҳам олим, ҳам адиб сифатида муаллифининг бугунги адабий жараён муаммолари, ютуқ ва қамчиликларини ёритишда ҳам фаол бўлишини истадик. Теран кузатишлар, мазмунли умумлашмалар билан бирга, мақолаларида ёзувчиларнинг индивидуал услуби, маҳорати, сўз санъати ҳам таҳлилга тортилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Жаҳон адабиётининг йирик намоёндалари ижодида доир мақолаларида уларнинг бадий-эстетик принциплари, услубларнинг фанқ ўзларига хос бўлган хусусиятлари, бу борада жаҳон адабиётшунослигида қилинган тадқиқотлар ҳам эътиборга олинса муаллифининг нуктаи назари янада теранлашиб, адабий-маърифий ҳизматининг мисқоси кенгайди.

Китобхон шуурга шуур қўшадиган, адабий маърифатини бойитиб кўнглини мунаввар қиладиган бундай китоблар ҳамиша керак.

ҲАКИМЖОН КАРИМОВ,
Филология фанлари доктори, профессор

Журналларни варақлаганса

«ЁШЛИК»

2011 йил, 5-сон

«Мен бошқа асрда, бошқа замонада туғилди, яшаб, бошқа бир даврда ҳаёт кечираётган одамман. Мен ҳам, ҳар даққа ҳайрат ичда яшайман». Ушбу иқтибос Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Эркин Воҳидовнинг «Қалбимиз қудуларини омон сақлайлик» сарлавҳали сўхбатидан. Сўхбатда атоқли шоирнинг адабиётга садоқат ва эътиқод, улуг Навоийнинг улмас мероси, мидлат маънавият ва адабиётимиз риважига доир фикр-мулоҳазалари баён қилинган. Шунингдек, сўхбат давомида шоирнинг бир туркум шеърларидан баҳраманд бўласиз.

Таниқли шоир Мирзо Кенжабек «Диб хонадонин» рузинидаги «Рўхнинг озуқаси маънавият бозорларидир» мақоласида кўнгида адабиётга муҳаббат уйғотган фарзанд, оила, болалик, дастлабки машқларини хотирлайди. Ҳаётда ўзи дуч келган қил яхши оламлар ва устозлари ҳақида самимий фикрларини, улардан кўрган меҳр-эътиборни ахтиром билан баён этади. Албатта, шоирнинг адабиёт, ижод ҳақидаги фикр-мулоҳазалари қизиқиб қўйиб қўлади. «Асл ғаввос бўлсанг дури кўргансан», деб номланган янги туркум шеърларини ҳам шоир Мирзо Кенжабек сизнинг эътиборингизга туғдираган.

Журналнинг назми бағшланган саҳифаларида истеълоди шоирларимиздан Вафо Файзуллох, Фулом Фатхиддин, Аҳмад Жаббаров ва Сабоҳат Одиловнинг ижод намуналаридан баҳраманд бўласиз. Наср илҳосманларидан Салим Ашурнинг «Муңчоқ» ва «Қор майдала ёғарди», Рўзбой Қўлматнинг «Хат» номи ҳикояларини, Анвар Номозовнинг «Нотаниш» номи қиссасини ўқийдилар. Машхур инглиз адиби С.Мознинг бир ҳикояси А.Раҳимов таржимасида эълон қилинган.

Шунингдек, журналнинг ушбу сонидан УЗМУ тадқиқотчиси Алимурод Тоғжоннинг тадқиқотчи Рустам Манноповнинг адабий-танқидий, А.Мағлиев, У.Нарзуллаев, Н.Йўлдошевнинг публицистик мақолалари берилган.

«Елпуғи» да берилган Турсунбой Алашбековнинг янги пародиялари, албатта, эътиборингиздан четда қолмаслигига ишонамиз.



Дилбар ДОНАБОВЕВА

ШЕЪР ЁЗАМАН АТИРГУДНИНГ ЯПРОҚЛАРИГА

Сардош

Шеър бўлиб тўқилай бағрингга,
Вужудингга сингайин, қоғоз.
Оҳ, ундан шунчалар оғриндим,
Қалам, мени секингина ёз.

Қийнамангиз энди тинсоллар,
Керак эмас ташбех, ўхшатини.
Ўтмишлардан айтиб мисоллар,
Зарурман жонни қақшатини.

Тўқилмасан бўлмайд, ахир,
Ошноқ қоғоз, сен мени тушун.
Сендек қоғоз бўлиш керакми
Шоирларни тушушмоқ учун.

Оҳ, мен уни севдим-а нега,
Айтган сўзи отилган ўқидр.
Рухсат бергин эйнайин сенга,
Менинг бошқа манзилим йўқдир.

Йўқолайин шу кенг бағрингга,
У мени ҳеч кўргиси келмас.
Ногоҳ излаб келса, юпатгин,
Бу фақат шеър, асло мен эмас.

Олам хазинаси турар қаршингда,
Унинг ишқиласан, ором йўқ зарра.
Қаттиқ ёшлардан оғир ҳарсанлар
Ва устидан оқар биллур шаршара.

Мунча қизиқмасанг олтин-зарларга,
Бойлик маъносини кўплар чақмайди.



Қанча-қанчалари шундай горларга
Бир бор қиришару қайтиб чиқмайди.

Қўлдан қўлга ўтар олтин тангалар,
Уларнинг вафосин, айттин, ким кўрган.
Ўрганма сеҳрли сўзларни асло,
Авалл майсаларнинг исмини ўрган.

Қалбингда бир ажиб ҳислар туғени,
Олис юдузларга тиккансан нигоҳ.
Сен аввал мени сез, мени ҳис қилгин,
Мен доим ёнингда ўсувчи тийёҳ.

Ялтироқ тошларга бўларсан мафтун,
Тошга айлангирлар улар жисмининг.
Мен ҳам хазиналар очиним мумкин,
Сен аввал сўрагин мендан исминин.

Бир олам гиёҳлар ичидан таниб,
Танлай олармисан мендай сим-симни.
Олам хазинаси оддида туриб,
Сеҳрли сўз каби айтгин исминин.

Сенга атаб шеър ёзаман агар,
Ёзажакман атиргуднинг япроқларига.
Ёки уни ёзаман атай
Ёқут олмаларнинг яноқларига.

Сенга атаб шеър ёзар бўлсам,
Ёзажакман шудринг томчиларига,
Қапалакнинг, ниначининг қанотларига,
Булоқларнинг биллур ҳовчуларига.

Қадамларинг ҳали етмаган
Баҳмал қирининг уватларига.
Сенга атаб ёзган шеърини
Ёзайинми қафтинга ёки.

Ёки шундай тўғридан-тўғри
Юрагингга ёзайинми уни.
Ўқий олармисан, айтчи, азизим,
Ўқий олармисан ўз юрагингга.

Ёмғир ҳавосидан оламан нафас,
Туйғулар яйрайди, яйрайди кўнглим.
Тушларим ўнгимга айланиб борар,
Айланиб бормоқда тушларга ўнгим.

Деворни паналаб жузжикиб турган,
Хайрият, мен эмас, асло мен эмас.
Бўм-бўш хибобини кезаялман жим,
Ёмғир пичирлайди бериб ширин сас.

Уйга қайтолмайман бундай ҳавода,
Тўхтама, ёмғиржон, турма нийманни.
Сен менга қарама, бўлма низолат,
Чарчасанг, елкамга олгин суйаниб.

Хусан КАРВОНЛИ

ВИСОЛ ДАРАГИДАН КЎЗФАЛАНГАН ТИТРОҚ...

ШЕЪР

Шеър — шабнам руҳига чўмилган япроқ,
Висол дарагидан қўзалган титроқ,
Мажнуннинг изидан унган қизғандоқ,
Хипчабел теракнинг хаёли ҳам — шеър,
Тили чиққан жужуқ саволи ҳам — шеър.

Шеър — болақўнглини айлаган асир,
Бойчечак тупроқдан олиб чиққан сир,
Кўкдам гулларидан қурлаган қаср,
Даштларга, тоғларга ярашган фасл,
Апрелнинг булутли шамоли ҳам — шеър.

Шеър — отам қўлида қулган думбира,
Қарогим намлаган мунгли хотира,
Аравалардан бегубор жўра,
Болалик соғинчи сўймағай сира,
Қишлоқнинг чапқўча аҳоли ҳам — шеър.

Шеър — онам қалбидан қайнаган алла,
Ку-кулаб мусича топинган палла,
Қирқта қиз нозига тўйинган ялла,
Баҳор кўшиқ айтиб турса баралла,
Қалдирғоч уясин деволи ҳам — шеър!

Чехранг аламлардан форин бўлган дам,
Кўзинг ишқ майлида маржон илганда,
Бахтиёр бўламан сенингдек мен ҳам,
Кўнглингда, кўнглимга баҳор келганда.

Тунлари шодликдан йиғлай олмаган,
Қуялар кунимга соя солган қиз.
Ҳали нигоҳлари излаб толмаган,
Ўзидай нурило эрканоз юдуз.

Умид қўлагини қияман, аммо
Дазмол қилинмаган ул қўйлақ гижим.
Қизгина, сен уни қўлайдинг дазмол,
Мен сенга термулиб ўтирсайдим жим.

Шунда эркалининг қоларди дунё,
Гулга айланарди ҳатто чирик хас.
Сақкз таравингда янгради наво,
Ошиқ муганинлар қилади ҳавас.

Мен соат тақини ёмон кўраман,
Биламан бу учун кечирмайди Вақт.



Шундандир орқала қолаётганим:
— Кечирасиз, соатингиз неччи бўлди?

Мен соат сўрашни яхши кўраман,
Гарчи ҳеч қизни бўлмас ҳамки,
Хафта бир нарасга шошаётгандай,
Худди кечикаётгандай бахтинг келиши:
— Кечирасиз, соатингиз неччи бўлди?

Мен Вақтга ачинмай кўяман гоҳо,
Хафта бўлиб кетаман гоҳида ундан.
У эса қочгани қочган, қочгани қочган:
— Кечирасиз, соатингиз неччи бўлди?

Барибир бир куни етман унга,
Ахир, унга буюрилган мен-ла учрашмоқ,
Шунда бир-биримизга сингиб кетамиз,
Ў, билмадим бу қачон, билмадим, қачон?
— Кечирасиз, соатингиз неччи бўлди?

Сенинг кўзларингга қарамоқ — гуноҳ,
Кўзимни покламай тўриб риёдан.
Сенинг сочларингга силамоқ — гуноҳ,
Қўлларини чашиб олмай ҳаёла.

Сенинг ҳузурингда бўлишим — гуноҳ,
Маҳкамат чекмайин бориб ёнипта.
Сенсиз, сенга етмай ўлишим — гуноҳ,
Жонимни қўшмайин жонингга.

Тонг ёришган маҳал қишлоқдан айғирнинг депсиниб қишангани, итнинг гингшиб хургани, сифирнинг ийиб мўрагани эшитилди. Ким ўзара басма-бас кекирдак чўзаётган хўрозлар қичқирганидан чўчиган чақалоқ биғиллай-биғиллай, кўкрак сўриб ютоқиб жимиб қолди. Бог тарафда эркак йўталди. Гўёки ёнаркурт янглиғ учи-кўнаётган юдузлар дув-дув тўқилиб дарчаларга қўнганча порлай бошлади. Учоқларда олв ёлқинлади. Келинчалар саришасига белги берган губурлар ҳовлилардан осмонга ўрларди...

Күёш бош кўтарганда одатдагидек Обод келин лойсулпага жой ташлади. Косаданг қаймоқдан хом сут ҳиди таралиб иштахани қитқилар, дастурхон бошида ўтирган Сулувомо оғир хаёлга чўмган, ҳе йўқ, бе йўқ уйдан чиқиб кетган ўғлини ўйлида кўзи қотган. Егана ичига тушмай, дарди сиртига чикмай, шум тақдир дастидан одамлар кўзига кўринишдан беизиллаб, ҳовлида ўз дунёсига қўмилиб ўтиради: «Бу боласи тушмагур кимдан араздалади экан-а? Умири бино бўлиб бировнинг бетига тик қараган эмас. Ким нима айтса қош қайтармай бажариб юрган бўлса. Шуйтиблар хизматдан бездиёв, ай тақдир-а, уни меҳнат учун туққан эканман. Эҳ болама, қани ўша мардақлардан бирови отингни тутиб эшикдан бош суққан бўлса... Мабодо хотини бирор аччиқ-совуқ гап айтгандир десам, ўлибдими, келиннинг феъли ундаймаса. Келин юмшоқ феъл, жўжабирдек тўрттовнинг онаси. Шу кунгача эрининг ортидан ҳам ёқ этиб қолимади.

Бир кечада кетди-қолди. Кетганини ҳам бидан опкетган лаш-лушидан билдик, товаба. Бу боланинг хабари чикмади, унча-мунчани оғир олувчи бўлмас, қайси қаҳри қаттиқ уни ранжитган экан-а? Худойим-а, боламини эсон-омон бағримга қайтар».

Обод келини ҳам бир дард ўртайди. Эри дараксиз кетиб қолган дамларда аввалига бир энгил тортиб, шу латта кесмасининг боридан йўғи деб ўйлади. Лекин кунлар ўтиб аста-аста қадр билинди. Уй хувиллаб қолгандек, еб-ичишда ҳам, ётиб туришда ҳам ҳаловат йўқолди. Эгасиз ялоққа саёқ юрганнинг бари суқланаркан. Устига-устак гўдақлари отаси пойтахт кетганини, хали кўп пул олиб келишини чулдирашиб бир-бирига мақтанашганида Обод келин қафасга тушган қушдек питирлаб қолади.

— Дугонамга ачинаман, бечорагина есир қолиб не кўргиларни кўрмади. Улмас отинг ўлгур йиғит ҳам муштипарларни чўлу биёбонларда қолдириб кетди, — деганча урчугини яна айлантиришга тутинади Сулувомонинг қадрони. — Бир бўш-

баёв, қўй оғзидан чўп олмаган боласининг қилиғи қуошқондан қикди. Ювош қоғондан кўрк деб яхшиларимиз топиб айтган экан. Асли эркакнинг бари шу кампирнинг шўрига битган экан, эгачиқонлар-ов. Ерга урса, осмонга сапчийдиган эр-жонивор-хам ўзини ўққа-чўққа уриб, Сулувоно бошқорасиз қолдириб ўлди-кетди. Арслондан кўппак деганлари чин экан, бўлмаса шундай олов эркакдан ўнгири-ни судраган бир мулламишиқ ёдгор қолармиди?

Кампирлар урчуқлари калаваланса ҳамки, ўзлари тўқийтган эҳтимолларни бир-бир санама-ҳулларича хуморлари босилмасди. Элакка борган хотиннинг элик оғиз гапи бор деганидек, Обод келиннинг тенгқурлари ҳам бирор сабаб-баҳона эшик қокиб боргандами, хашару ошардами ҳасратлашар экан, гап айланиб шу Улмасга келарди. — Кўрган кунни бировларнинг хизматини қилиб юрган лапанишанга-ку Ободдек хотин ҳайф эди, — дейди Ўғлило ўқтамона. — Шундай эр менга рўпарча бўлмайди-да... Бу дардисар эр-какка ўшаб чирпиниб юрган бўлганда ҳам бир гўр эди. Турган-туриши бир пўчоққа жой-у, яна нимасига довруқ солади, ҳеч тушунмайман.

Унинг гапини бошқалари ҳам қувватлагандек кўринса-да, аммо ҳар бири ўз биланларича ичини бўшатишади.

— Довруқ солиб нима қилибди. Бировга озори теккан бўлмаса, болам-чақам деб юргандир-да. Эрта-индин ўғил уйландиради, қиз чиқаради. Бир оғиз айтмай кетган бўлса, осмон узрилиб ерга тушмас. — дея Ўғлилонинг сўзини бўлади Гулсум.

— Мен Обод эгачимни ўйлаб айтапман, минг қилса ҳам бошлада қора эди. Мана, томоркаси ҳам чўллаб ётибди, — дейди Ўғлило қурқ товўдек хурпайган жувошларга сув сачратгандек қилиб.

Хотин-халажнинг кўзидан нари деб Кўшбулоқнинг чоллари ҳам ўзларига мақон қилиб олган Жўражувознинг чайласида эртаю кен гурунг уриб ётади.

— Жўрабой, боққа қаров яхши бўлмаяптими, йилдан-йил фазйдан кетаяпти? Бу кетишда чайлангиз ҳам бойўғли қўноғига айланади-ев, — дейди чоллардан бири.

Жўражувоз боғига ачиниб билан разм соларкан, бог деворларни нурагани, омонатгина қадаб қўйилган тол дастаклари орасидан мол кириб-чиқиб пайхон қилган, синган шохлар қургани, бир четдаги уюлиб ётган шох-шабаларда арилар уялаб учиб-қўниб гўжон ўйнашаётгани, олак-қурқ соя солган дарахт остида ўтларнинг мол тўғидан тупроққа қорилиб ётганига қараб туриб, пешонаси тиришганча:

— Нимасини айтасиз, Улмас

амак кетиб қолгандан бери қўл солишадиган бўлмаяпти, марди-фақир бир оғиз айтишим билан келиб тонгни шомга улаб қора терга ботиб ишларди. Манов қолдир олифталарнинг қишлоқда саланглашдан бошқа иши йўқ, неча айтдим бир қарашиб юборинглар қуруқ қўймайман, деб, гапим ҳавога учгани қолди. Ай, ай, шу Улмаснинг қадр билинди.

— Жўрабой, одамнинг фарқига бормас экансиз, ким биледи у писмиқ нима хунарлар кўрсатиб юрибди. Бир куни бир қаламқошни етаклаб кириб келса, нима дейсиз? — дейди бир Сафар бобо қувлик билан.

Чоллар бу гапдан булқиллаб қулишади.

— Ҳай, Ҳай, боладек нодон бўлманглар, бурунгилар хотин-халажнинг миш-мишига бепарво буларди, — дейди чолларнинг гапидан энсаси қотган Дўстмурод оқсоқол.

— Хў-ўў оқсоқол, бу гапингиз билан чолларни ожизаларга тенглаясизми? — дея дарҳол чинлаган Урозобойни бир-икки чол қўллаб бош ирлаган бўлишади.

Шу тарика гурунг бошқа томонга бурилиб, чоллар бир-бирига узун-қуруқ гаплар айтишга тушади. Далиғули Эгамберди чол ҳам ёнбошлаб ётган ўрни-тушунмайман.

Унинг гапини бошқалари ҳам қувватлагандек кўринса-да, аммо ҳар бири ўз биланларича ичини бўшатишади.

— Довруқ солиб нима қилибди. Бировга озори теккан бўлмаса, болам-чақам деб юргандир-да. Эрта-индин ўғил уйландиради, қиз чиқаради. Бир оғиз айтмай кетган бўлса, осмон узрилиб ерга тушмас. — дея Ўғлилонинг сўзини бўлади Гулсум.


— Мен Обод эгачимни ўйлаб айтапман, минг қилса ҳам бошлада қора эди. Мана, томоркаси ҳам чўллаб ётибди, — дейди Ўғлило қурқ товўдек хурпайган жувошларга сув сачратгандек қилиб.

Хотин-халажнинг кўзидан нари деб Кўшбулоқнинг чоллари ҳам ўзларига мақон қилиб олган Жўражувознинг чайласида эртаю кен гурунг уриб ётади.

— Жўрабой, боққа қаров яхши бўлмаяптими, йилдан-йил фазйдан кетаяпти? Бу кетишда чайлангиз ҳам бойўғли қўноғига айланади-ев, — дейди чоллардан бири.

Жўражувоз боғига ачиниб билан разм соларкан, бог деворларни нурагани, омонатгина қадаб қўйилган тол дастаклари орасидан мол кириб-чиқиб пайхон қилган, синган шохлар қургани, бир четдаги уюлиб ётган шох-шабаларда арилар уялаб учиб-қўниб гўжон ўйнашаётгани, олак-қурқ соя солган дарахт остида ўтларнинг мол тўғидан тупроққа қорилиб ётганига қараб туриб, пешонаси тиришганча:

— Нимасини айтасиз, Улмас



Боймирза эшагини булоқбошидаги бутанинг тўморига боғлай бошлади. Тирик етмишда деб Эркинни ёқтирмайдиган Жовлининг гаши келиб, сенга уйга вазифани ишлаб берганидан бўлар-бўлмасга унинг тарафини олсан, дея ўсмонқилади.

Мўйлаби сабаза урмай туриб оилабоши бўлиб қолган Эркин, тенгдошларидан барвақт улайганиданми, тенгқурларига сал галати кўринарди. Аммо унга ўзини чин ошна деб билган Боймирза сўзланди: «Етмиш биздан олдин келиб-кетибди деганинг учун айтаман-да. У бизга қўшилиб юрса, уйдаги ишини ким қилиб беради-а? Айт-чи?».

Эркин ҳақида гап очилиши билан болалар тараф-тараф чувиллашиб кетишади.

— Боймирза, сен билмабсан, Эркиннинг отаси пул учун кетган эмас, мақсади бошқа экан, — дейди Жовли овозини баралла кўйиб. Шу баробарида Эркиннинг тарафини олаётганларни мот қилишни мўлжалга олади.

Аммо Боймирза ҳам бўш келишини истамасди.

— Узинг айтдинг-а мақсади бошқа деб. Тўғрими? Хали оқсоқолларнинг гапини эшитмабсан-да. Биласанми, Давлабойнинг ҳам хоббони қилиғи кўп эди. Уз бошини ўзи еди. Шу отанинг боласи деб Улмас амакинни ёмонлаган Урозобойни оқсоқол урушиб берибди. Қишлоқ сурувиги оралаган жондорни қувиб, Давла бечора жардан учиб ўлди-ку, билиб-қўриб ҳам иймондан кетманглар-да энди, дебди.

Оқсоқолнинг гапини айтган Боймирзанинг сўзига ишонмайроқ бир-бирига қарашганча болалар хайрон қолишди.

Деди-деди, миш-мишлар қишлоқ одатига кирган, хаттоки кимнингдир эчкиси эгиз туқангача бир майдон гапирдиларди. Бошқа бир янги миш-миш тарқалиши билан олдинги гаплар унутиларди. Улмаснинг қишлоқдан лом-миш демая қиқиб кетгани ҳам аллақачон эсдан чиққан бўлса-да, хизматига эҳти-

қилиб иш ҳақини берди. Бўлган гап шу: Улмасвойнинг зериккан кўнгли таскин олди.

Деворлари ерга бирлашиб, шўра, гўмай босган томорқа ўртасида уч-тўрт юзакни тортиланган жўяк пуштасида помидор, бодринг палаклари сарғайиб туриши, дарахтларнинг қуриган таналарида қурт-қумурсқа ич қуриб олганидан бу ҳовлига эркак қўли тегмаганлиги билиниб турарди. Бундан томорқа оралаб келётган киши ачинишни, хайратми ҳолатида бир катта ташвишда қолгандек атрофга назар ташлаган қўйи вазмин одимлайди. Янтоқ, шўраларни оралаб, дарахт шохлари остидан энгашиб-энгашиб ўтиб келётган одамга жав-жавлаб тармашаётган ит нимагадир думини ликиллапти, гингшиб-еркаланганидан Обод келиннинг юраги шиг этди. Хавотир билан қараб, қўлидагини жойида қолдириб ўрнидан турар экан, келувчи кўзига иссиқ кўринганидан момо деб бақирганча турган жойида сerratий қолди.

Томорқа оралаб келувчи яқинлаб овоз берганида Обод келинга жон кириб, базўргина момо... момо... келди деганича супа тарафга югурди. Сулувомо ҳам келиннинг доврашини хайрга йўйиб, шошиб-суришиб ёқасига тўфлаб-тўфлаб, тавба-таваллаганча оёқ илмай супадан тушаркан, ҳовлида турган эркак қимлигини таниб бир зум қаловлангач, болажомим, жонинг омонми дея етмиш икки устикони шовшаб жойида тўхтади. Қаршисида турган ўзининг шу Улмасми? Йўқ, бу турган ўзи билган Улмасимас, ёвқур, ҳайбатидан от хурқадиган Нурали бобосининг қуйиб қўйгандек ўзгинаси-я. Уруғ-аймоғининг ори-номуси, Гапир-гапига кесилмаган қайнотаси ўша-ўша викро ва салобат, ўша-ўша ҳайбат билан гўёки самантурини етаклаб рўпарасида турарди. Лаҳзада ўша-ўша завқу шавққа тўла келинлик давридагидек туйғулар камраб олиб, худди қайнотаси тирилиб келгандек, Сулувомонинг юзига қизиллик югурди; бир ҳадик, бир ҳав, бир қаноат эгиллаган вужуди титраб кетди. Ўз-ўзига ё пирим, ё пирим, тавбандан, ўнгимми-тушимми дея ҳаяжонда қалтирар, рўпарасида соппасоғ турган ўғли эканига ишониб-ишонмай, йиллар буйи ютган қон-зардоблари ич-ичдан тошиб келиб, қай гўрларда ботининг чикиб юрибсан, сен но-

Хукон

Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотига номзодлар

Истиқлол даври миллий рассомчилигимиз тарихида бутунлай янги бир даврни бошлаб берди. Рассомлар ўз асарларини муҳлисларга муносиб даражада тақдим этиш борасида катта кулайлик ва шарт-шароитга эга бўлишди. Кетма-кет қурилиб ишга туширилаётган кенг ва ёруғ кўرғазма заллари реалистик йўналишда ҳам, модерн услубда ижод қилаётган мусаввиърларга ҳам ўз асарларини кенг кўламда намойиш этиш учун катта имконият яратди.

Кўрғазма залларида мато-мойбўёқ, қалам, қилқалам каби ашёлардан фойдаланиб яратилган реалистик услубдаги рангтасвир асарлари видео-арт, инсталляция каби технологиялар асосида яратилган янги йўналишдаги асарлар билан ёнма-ён намойиш қилина бошланди. Мато-мойбўёқда яратилган рангтасвир жанрига кириб келаётган модернистик услублар эркин шакллана бошлади.

Тўғри, бу изланишларда бирор-бир ғоясиз, қуруқ шаклбозликка берилиш ҳолатларини ҳам йўқ, деб бўлмайди. Аммо бу уриниш ва изланишларнинг аксарияти миллий қадриятларимиз, қадимий урф-одат ва афсоналаримиз, аждодларимиз руҳий дунёсини акс эттираётган янги ифода услублари тарзида ривожлана бошлагани билан аҳамиятлидир.

Тасвирий санъатимизнинг бу борадаги шаклланиш жараёнини Ақмал Нур ижодисиз тасаввур қилиш қийин. Унинг «Аҳли дил» деб номланган икки изодан ортик рангтасвир асарлари жамланган албоми шу жиҳатдан эътиборга сазовор. Рассомнинг реалистик санъат сарҳадларини ошиб ўтган, яъни ранглар мато ўзасида бошдан охири ички кенгликسиз берилган асарлари томошабинни нигоҳига осон сингади. Мусаввир реалистик мактаб қоидаларида кўрсатилган вужуд мутаносиблиги, нур ва соялар тартиби, рангларнинг ички кенглигига у қадар рию қилавермасанда, асарлари оддий томошабинга ҳам, энг талабчан санъатшуносларга ҳам сезимли ва бирдай тушунарли.

Мана, унинг 2005 йилда яратилган «Бешик» асари. Бошига рангин дуррача ўраган аёл бешиқ тебратиб ўтиради. Бир қўлида ой, ўзи ҳам ойдайд гўзал. Бешик ёпинчилиги — ҳарир мато ўз-ўзиндан осмону фалакка айлана кетади ва унда қалдирғоч чарх уради. Бу билан рассом бешикдаги болани мусалфа, тинч осмонга менгазайди. Бешик бошида турган она эса ана шу бегубор осмоннинг қўриқчиси. Қалдирғоч тимсоли мураккаб боланинг мустақил ҳаётга қўяётган илк қадамига ишора. Ранглар энгил мовийдан энгил сарғиш оҳрага эврилиб боради. Гўё асар ботинидан шуъла тараляётгандек.

«Болалигим оқшомлари»да боласини олдиға ўтиргизиб ул овда кетаётган жувон. Орқароқда келин-куёв уларга эргашган. Кўйнинг бир қўлида кетмон, бир қўлига эса келиннинг узун сочлари чирмашиб кетган. Уловга ортилган юк яна кечкис самоват шақлини олади. Унда қуёш айланади. Олтин булутлар кезинади. Шохларда иккита мусина. Фоннинг юқори қисмида тошлар. Рассом бу тасвирлар орқали ҳаётнинг абадийлиги, унинг шодлигини қувонч ва изтиробларига томошабин эътиборини қаратади. Тошлар тасвири эса ҳаёт қанчалик гўзал кечмасин, албатта, унда зиддиятлар мавжуд эканига раъий ишорадир.

Мусаввир асарлари, ҳаёт қанчалик мураккаб бўлмасин, инсоннинг ёрқин томонларини қўришга, курашишга ва ўз бахтини ўз қўллари билан яратишга ундайди. У деярли барча асарларида Ватан, ишқ-муҳаббат, садоқат ва оналик каби абадий мавзуларга мурожаат қилади.

қилади. Баъзан бу мавзуларнинг барчаси бир асарда муҳасамманлади. «Остонада» деб номланган картинада мусалфа осмон фонига эндиgina пойдевори қўйилган уй тасвир этилган. Йигитга ийманибгина қараб турган оғир оёқ аёл. Унинг тимсолида муҳаббат, садоқат ва оналик бахтини ҳис этамиз.

Ақмал Нур асарлари реалистик рангтасвир имкониятларини беҳад кенгайтиргани боис бу янги бир услубда ярқ этиб кўзга ташланади, шу билан бирга шарқона миллий руҳ қўқол намоеъ бўлади. Ботиний нур билан йўғрилган романтик-руҳий сифатлар поэтик фалсафий мушоҳадага бой. Одатда рассомлар аввалига ўз устозларига эргашади, баъзан ўз услубини топгунча тақдид ҳам қилади. Аммо Ақмал Нур асарларига қараб фақат унинг ўзигагина хос услубни кўрамиз. Унинг ўз ёқтирган рассомлари ҳам бор, албатта. Бироқ унинг асарлари ўзга рассом услубини ёдга солмайди. Эътиборли томони шундаки, рас-

Аҳли дил жозибаси

сомнинг туйғуларни бардавон. Ишлаётган асарларининг тўртинчи-бешинчи босқичларида ҳам «совиб» қолмайди. Бошланғич эскиз чизиклари тугалланган картина чизикларига ҳамоҳанг.

Рассом бадий билим юртига ўқишга келгунча профессионал наққошлик асарларини чўқур ўрганган. Шу сабабли «Иссиқ нонлар», «Менинг ўғлим» сингари картиналаридаги фонларда наққошлик услубидан оригинал фойдаланилгани яққол сезилади. Шарқ шеъриятида улуғланган ота-онага ҳурмат, оилани муқаддас билиш муҳитида ўсанлиги Ақмал Нур ижодига катта таъсир кўрсатган. Унинг муҳаббат мавзусидаги асарларидан оила руҳий дунёсининг сирли нафаси уфуриб туради. «Хижрон йўлларида», «Сайроқи қўшча» ва «Илоҳий ришта» каби асарларида ишқ-муҳаббат тараннум этилган. Учиб юрган фаршталлар образларида навниҳол қизалоқлар гўзаллиги акс этган.

Йигирма йил муқаддам мамлакатимизнинг мустақилликка эришиши тасвирий санъатимизнинг жаҳон миқёсига чиқиш йўлидаги Ҳўсикларни олиб ташлади. Ақмал Нурнинг Ҳўсикларини олиб ташлади. Ақмал Нурнинг Ҳўсикларини олиб ташлади. Ақмал Нурнинг Ҳўсикларини олиб ташлади.

Бу асарлар мусаввир услубига хос янги йўналишда яратилган бўлса-да, шўқ Бобурнинг инсон сифатидаги армонларини теран ифода этгани билан қадридор. Мусаввирнинг

Давлат мукофотиға қўйилган «Аҳли дил» даврий асарлар мажмуасидан жой олган «Ишқ менинг саждағохимдир» туркуми ҳам айниқса эътиборга лойиқ. Бу туркумга кирган асарларни томоша қилар эканмиз, Навоий, Бобур асарларидан хабардор, айна чоғда момолар тилидан эшитган дostonу афсоналарни дил тубида ардоқлаб, сайқаллаб матоға кўчирган иждоқорнинг рангларда битилган кўнгили қўшиқларини кўрамиз. Уларда рамз ва тимсоллардан кенг фойдаланилган. Балиқлар поклик рамзи, анорун олмалар — етуклик рамзи, қўшлар — озодлик ва бахт рамзи сифатида тақдор-тақдор келса-да, ҳар бир асарга бетакрор руҳ бағишлаган. «Жон ва жонон», «Қайс», «Севги дарёси», «Чанқоқлик», «Кўнгили фаршталари», «Ошиқ Ғариб ва Шохсанам» каби кўплаб асарлари тимсоллари табиийлиги ва аңьанавийлиги билан томошабинга ҳайрат улашди. Дарҳақиқат, санъатшунослар кўп бора эътироф этганларидек, ҳақиқий рассомлар мангулик билан мулоқотга киришадилар ва улар ўртасидаги сўхбат оддий одамларга берилган вақтга бўйсунмайди. Рассом, бир қараганда, маиший мавзуда ижод қилаётганга ўхшаб туради. Аммо унинг ишқ мавзусини қўйлаётган ва томошабин билан сеvgи тилида сўзлашаётган қалби чексиз романтикаға бой бўлади. Биз Ақмал Нур асарларида ҳам шу холни кўп кузатамиз.

Мажмуа таркибидаги «Аждодлар назари» туркумидан «Авесто» китобида чоп этилган рангтасвир асарлар жой олган. «Абадият», «Ҳаёт дарахти», «Рўқ кўриқчилари», шунингдек, «Фаришта», «Кўриқчи маъбудалар», «Подшоҳ», «Замон маликаси» сингари асарлардаги қорамтир иссиқ фон, қадимий тоғлар ва антик дунё рамзлари муваффақиятли топилган композицияга ўзига хослик бағишлаб турибди. Шохлар, саркардарлар қиёфасида кескинлик, шихоатни кўрасиз. Маликалар нигоҳида эса маъсум бир назокат бор. Бу улар орқали тарқайган тарих саҳифаларини эмас, муайян сарфидларни ҳам кўрамиз.

Муштақиллик йилларида пойтахтимиз ва қўллаб тарихий шаҳарларимиз янада гўзаллашиб, замонавий миллий қиёфа касб этмоқда. Ақмал Нур асарларининг миллий ва поэтик гўзаллигини эътироф этган холда унинг ижодига мана шу жараёнини ифодасини, қадимий шаҳарларимиз тасвирини қўришни орзу қиламиз. Ўйлаймики, рассом ўз истеъдодини маҳобатли рангтасвирда ҳам синая қўриб, замонавий иншоотлар деворларига мамлакатимизнинг юксалиб бораётган тараққиотини муҳрлашга ҳаракат қилса, нур устига нур бўларди.

Мусаввирнинг муҳлислари кўп. Шундай муҳлислардан бири Ақмал Нур ижодига: «Ўзи ўрганаётган ва ўзгаларга ўргатаётган, санъат тилининг янги ифодаларини топаётган, яна изланаётган, бироқ ҳали ўз имкониятларини тўла очиб бўлмаган, демакки, қалбидаги ёниқ сўзларини Ватанига, халқига тўлиқ айтиб улгурмаган, ижод йўлида давом этаётган рассомдир», дея баҳо беради.

Ақмал Нур «Ўзбекистон маданияти» ва санъати форуми жамғармаси-нинг қўллаб ижодий лойиҳаларинида иштирок этмоқда. «Навқирон Ўзбекистон» аңьанавий ва замонавий санъат фестивали, «Келажак овози» республика иқтидорли ёшлар танлови, «Янги авлод» каби фестиваллардаги қизгин фаолият эътиборга сазовор. Миллий тасвирий санъатимиз тараққиотиға катта ҳисса қўшиб келаётган иждоқор халқимиз маданиятини кенг тарғиб қилувчи миллий санъатимиз аңьаналарини юксалтирувчи янги асарлар яратишига тилақдошимиз.

Гулнора РАҲМОН, рассом

ЭЗГУЛИКНИ ҚАЛБГА ЖО ЭТИБ

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шамсиддин Йўлчиев қарийб қирқ йилдан буён юрак қўрини, бутун истеъдоди ва куч-ғайратини театр санъатига бахш этиб келаятган заҳматкаш иждоқорлардан. Ҳар гал буй-баста келишган, саҳнаға ярашқили бу актёр билан сўхбатлашганим-

тан берган эди. Санъаткор яратган ёрқин, залворли роллардан яна бири «Уруш» спектаклидаги Ўзбек хисобланади. Актёр талқинида бу қаҳрамон ўзининг соддадиллиги, мардлиги билан ажралиб туради. У йўлда учраган барча қийинчиликларни матонат билан енгиб

Истеъдодли иждоқор Навоий сиймосини шоир ва давлат арбоби сифатидагина эмас, балки олим, мутафаккир даражасида талқин этди. Ижро вақтида юрагидан кечган ўй-кечинмаларни актёр шундай изоҳлайди:

— Устоз санъаткор Амин-жон Ақобиров «Алишер Навоий» спектаклида бош ролға тақлиф қилганда, тўғрисиқ бироз чўчим. Чунки бу образни Олим Ҳўжаев, Раззоқ Ҳамроев каби театр санъатимизнинг дарғалари талқин этган. Улар ижросини кўрган томошабинлар менинг ролимни қандай қабул қилишаркин, деган хавотир тинчлик бермасди. Иккиланаётганимни сезган режиссёр «Агар шу ролни меъёрига етказиб ижро этмасанг, де-

Санъатимиз фидоилари

да қалбимда бир эзгулик туяман, иждоқорнинг янги қирилларини кашф этаман. Санъаткорнинг теран нигоҳи, салобатли овози томошабинни сеҳрлайди, ўзига тортади.

Шамсиддин ака 1973 йили Маннон Уйғур номидаги санъат институтининг кино ва драма бўлимини тугатган. Бироқ дарҳол ижодини профессионал театрда бошлагани йўқ. «Катта театрда ижод қилишнинг масъулияти оғир бўлади, бу юкин кўтариш учун катта сабот ва маҳорат зарур. Шу жиҳатларни ағзалганимдан сўн Бухоро театри оstonасига келишга жазм этганман», дейди у.

Шу йиллар ичида иждоқор томошабинни бефарқ қолдирмайдиган қўллаб образлар яратди. Актёрнинг Башар (М.Каримов, «Инсонликка номзод»), Кўчкор (Ш.Бошбеков, «Темир хотин»), Навоий (И.Султон, «Алишер Навоий»), Бериуний (Л.Салдадзе, «Ибн сино»), Сулаймон (У.Ҳўҗибеков «Аршин мол-олон»), Турдиев («Аливойнинг холи вой»), Ота (А.Ҳасан «Ота дуоси»), Ўзбек (Ш.Нурматов «Уруш»), Кирил (В.Шекспир «Ҳамлет») сингари анча муваффақиятли чиққан образлари сўзимизга исбот бўла олади.

Иждоқорға ҳақиқий эътироф келтирган дастлабки роллардан бири «Темир хотин»даги Кўчкор бўлди. Ўзбек саҳнасида бу образнинг бир қанча муваффақиятли талқинлари мавжуд. Бироқ актёр қаҳрамон ижросида ўзига хос, қайтаришмас қиёфани яратишга эришди. Унинг Кўчқори қилшоқдаги чапани тракторчи эмас. Аксинча мулоҳазали, жиддий фикрларга мойил. Аммо унинг энг катта камчилиги қўрқоқлик хисобланади. Актёр образини очибди ана шу жиҳатни ўзига таянч нуқта қилиб олди ва адашмади. Ҳатто Ш.Бошбеков унинг ижросида «Темир хотин» спектаклини томоша қилиб, «Менинг тасаввуримдаги Кўчкор Бухорода экан», деб

ўтади, энг оғир вазиятда ҳам виждонига содиқ қолишга ўзида куч топа олади. Иждоқор Ўзбекинг ички кечинмаларини хиссиётға бой қўришида очиб бера олган. Спектакл давомида томошабин кўп бора кўзига ёш олади, асар қаҳрамони билан бирга қўши-



«Ҳамлет» спектаклидан лавҳа

либ изтироб чекади. Зеро, актёр бу образ тимсолида шўро даврида истибдоқ чангалига солинган халқимизнинг оғир тақдирини қўриқиб беришга муваффақ бўлди.

Истиқлол шарофати билан улуғ бобоқалонларимиз сиймосини саҳнаға олиб чиқиш имконияти пайдо бўлди. Ш.Йўлчиев ҳам Имом Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Алишер Навоий, Амир Темур каби буюк аждодларимиз қиёфасини яратишга муваффақ бўлди. Айниқса, санъаткор ижросидаги Алишер Навоий сиймоси алоҳида эътирофга лойиқ.

— Устоз илк бора бу образда саҳнаға чиққанларида хайратга тушганмиз, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист И.Кенжаев. — Ўзимизни гўё улғу шоир билан юзма-юз тургандек ҳис қилардиқ.

Айниқса, Шамсиддин аканинг тилидан сўзланган гўзал ғазаллар спектаклга ўзгача руҳ бағишлаган.

мақ улўғ санъаткорлар юзига оёқ босган бўласан», деди. Шундан сўнғ ишга қаттиқ киришдим, туңларни ухламай бўлса ҳам тарихий манбаларни ўрганган. Улуғ шоир шахсини англаб етишга ҳаракат қилдим.

Шамсиддин Йўлчиев ёшлар каби фаол ва теттик. Бухоро театри репертуарида у иштирок этмаган бирорта ҳам спектаклни учратмайди. Театрдаги асосий фаолиятдан ташқари Бухоро маданият коллежида «Актёрлик маҳорати» фанидан сабоқ бериб, тажрибаларини ёшларга ўргатади. Шунингдек, ўзини режиссура соҳасида ҳам синая кўрмоқда. «Сиртмоқ», «Бир ўлиб кўрайчи», «Тақдир йўнини» сингари асарлар унинг раҳбарлигида муваффақиятли саҳналаштирилди.

Ҳақиқий санъаткор учун ҳамisha муҳлислар эътиборида ва ижод билан ҳамнафас бўлишдан ортик бахт бўлмаसा керак.

Гулчеҳра БОНУ

Фестивалга тайёргарлик

Ўзбекистон муштақиллигининг 20 йиллигиға бағишлаб шу йил октябр ойида пойтахтимизда «Theatre.uz/2011» халқаро театр фестивалини ўтказишга тайёргарлик қўрилмақда.

Ўзбек ҳамда хориз театр жамоалари ўртасида ижодий ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш, ўзaro тажриба алмаштириш мақсадида ташкил этиляётган бу сафарги фестивалда Олег Табаков бошчилигидаги Москва Бадий театри, Украинанинг Львов шаҳар театри, Исроиладан режиссёр Шмулик Ифреж жамоаси, Германиядан Дрезден Ёшлар театри, Исландия ва Вьетнам жамоалари иш-

тирок этиши қўтилмақда. Жаҳон театрнинг энг йирик усталари Филип Макензи (Англия), Адольф Ушлар (Россия), Хисаши Шимоямалар (Япония) билан биргаликда маҳорат дарслари уюштирилади.

Тадбир доирасида хоризлик ва ўзбекистонлик театршунос олимлар иштирокида «Умулжаҳон театр оламида Марказий Осиё ўрни» ва «Ўзбек театри — 20: Натижа ва ютуқлар» мавзусида илмий-амалий конференциялар ўтказиш ҳам режалаштирилган.

Фестивалга тайёргарлик муносабати билан Ёшлар театрида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда ташкилотчилар йилгиланларни қизқитирган саволларға батафсил жавоб бердилар.

Аҳмаджон РАҲИМОВ

МАДАНИЙ ҲАЁТ

Пойтахтимизнинг Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида татар ва бошқирд халқларининг аңьанавий Сабантўй байрами бўлиб ўтди. Бу байрам днёримизда ярам асрдан буён нишонлаб келинмоқда.

Тошкентда татар ва бошқирд маданият маркази ҳамда Россия Федерацияси элчихонаси ҳамкорлигида ўтказилган байрам шодиёналари Ватанимиз муштақиллигининг 20 йиллигиға бағишланди. Байрамда иштирок этган татаристонлик меймонлар дўстлик ва тинчлик барқарор бўлган Тошкентнинг янада гўзаллашиб бораётганини эътироф этдилар.

Сабантўй байрамида икки қардош халқ вакиллари томонидан миллий куй-қўшиқлар ва рақслар ижро этилди.

Флора ФАХРУТДИНОВА

*** Мазкур кенгаш зиммасига эстрада қўшиқчилигининг янада ривожлантириш ва мамлакатимизда ўтказиладиган байрам тантаналари учун энг сара қўшиқларни танлашга қўмаклашиш вазифаси юксалди. Маҳфуза ОРИҚОВА

*** Пойтахтимизнинг Шайхонтохур туманида жойлашган ноғоронлик уйи тарбияланувчилари учун хоразмлик қўғирчоқ усталари иштирокида хайрия тадбири ўтказилди. Унда «Жайхун» қўғирчоқ театри томонидан саҳналаштирилган «Тилда товуқ» спектакли намойиш этилди. Тадбир сўнгида бола-ларға қўғирчоқлар жамланмаси совға қилинди.

*** Сирдарё вилоят мусиқали драма театрида «Ўзбек миллий кино санъати кунлари» ўтказилди. Тадбирда киноижодкорлар Лутфулла Саъдуллаев, Рустам Саъдиев, Фахриддин Шамсидинов, Манзура Йўлдошева ва Шерзод Боймуродов билан ижодий учрашув бўлди. Унда ўзбек кино санъати янгиликлари ва эришилаётган ютуқлар ҳақида сўз борди. Учрашув сўнгида Ҳилол Насимовнинг «Алданган аёл» фильми намойиш этилди.

*** Урганч шаҳридаги маданият ва истироҳат боғида «Ўзбекистон умумий уйими» шори осетида 4-республика дўстлик ва маданият фестивалининг биринчи босқичи ўтказилди. Унда «Юлдузча» фольклор жамоаси турли тиллардаги дастурлари билан қатнашди. Фолблар танловнинг вилоят босқичига йўланма олдилар.

ХУСУСИЙ КИНО САВОҚЛАРИ

Бир неча йиллардан буён давлат киноstudиялари томонидан суратга олинган фильмлар билан бир қаторда хусусий студияларнинг маҳсулотлари ҳам кенг намойиш этилмақда. Лекин уларнинг аксариятида тақдорланавериб охири тўқилган мавзулар, бадий савиясикметик, узўқ-юлуқ кадрлар, монтаж ритми ва динамикаси суст лавҳаларни учратамиз. «Сўнги лавҳа», «Макту», «Севгинатор», «Ийгламагин» каби фильмлар савияси эса улурдан фарқланади. «Zamin film» студияси маҳсулоти бўлган «Кўринмаслар» ва «Энагалар» фильми ҳақида ҳам шундай фикр билдириш мумкин.

«Кўринмаслар» фильмида азали эзгулик ва ёвузлик кураши, бола тарбияси, одоб-ахлоқ, руҳият масаласидаги муаммолар дадил кўтарилган. Ёндош олам, табобат, тиббиёт каби ҳам тақдорланган мавзуларға кенг эътибор қаратилди.

Профессионал актёрлар (Фахриддин Шамсидинов) билан бирга янги қиёфаларнинг пайдо бўлгани режиссёрнинг изланишидан дарак беради. Экран адабий тилги обрўсиға пўтур етказаятган гализ жумлалар, олди-қочди гаплари билан фильмида учратамиз. Аксинча, диалогларнинг пишиқ-пухта тузилгани тўғрайи асарнинг бадий қиммати ошган, дейиш мумкин. Асосий сюжетдан ташқари мохиятан асосий ўзакка бириккан воқеалар маҳорат билан талқин этилди. Қурилишда бахтсиз ходиса сабабли тилги обрўсичиларнинг 13-хонаға жойлашиш мижароси, ирм-сиримлар, беморни «кўринмас» билан бирга шахмат уйнаши фильм жанрини фантастикға яқинлаштирса ҳам режиссёр реал воқеаликни биринчи планға чиқаради.

Фильмдаги рамзий ифодалар орансид «олма» фарзандни аналғати. Унинг тарбияси билан боғлиқ ишо-



ра — олмани савати билан тўқилиши экран тилига мохирона кўчирилган. Бундан ташқари, Ҳумоюннинг сувға гарқ бўлиши томошабинда, хозир чўкиб кетади деган хавотир уйғотса-да, асл мақсад унинг қилган гуноҳлари олдида қалбан покланаятганини таъкидлаш. Ниҳоят, одам-она ва жин-она диалогинида ўғлини ўлимдан қутқарувчи аёлнинг «сен ҳам мен каби онасан, сенда ҳам юрак бордир» деган сўзлари ва жиннинг инсофга келиши ечим вазифасини ўтайди. Ҳумоюн ҳаётға қайтади. Эътиборли жиҳат шуки, унда мантик, ҳаётийлик, руҳиятға асосланиш кучли.

Маълумки, томошабинни бир кадрда узўқ тушлаб туриш учун унинг юки бўлиши керак. Фильм шундай кадрлар асосига қурилгани билан эътиборли. Терговчининг ҳолати, харақтери, домланинг ўткир нигоҳи, кечинмалари, отанинг харақатлари турли ракурсли нўқталарда очиб берилган. Бизға ёндош оламнинг биз ршаб турган дунё билан алоқаси нафақат Ҳумоюн каби ёшларни, балки барчани маънавий тубанлик хавфидан огоҳлантираётгандек...

Комедия жанрида суратга олинган «Энагалар» фильми ҳам эътиборни тортади. Бола тарбиясига жиддий эътибор қаратиш лозим бўлган муаммолар мазкур фильм мисолида очиб берилган. Воқеалар бола учун тарбиячи излашдан бошланади. Лекин тарбиячи қандай хусусиятларға эга бўлиши керак? У дунёқараши эндиgina ривожланиб келаятган болақай қалбидан инсоний туйғуларни шакллантирувчи оладими? Асарда ана шу саволларға атрафлиҳа жавоб изланади. Бунинг учун режиссёр уч соҳа вакилларини танлаб олади. Уларнинг бири психолог бўлса, иккинчиси спортчи ва учинчиси эса қўғирчоқ ўйинларини саҳналаштирувчи актёр. Бу бежиз эмас. Ҳозирда долзарб муаммоға айланган фарзанд тарбияси учун масъул шахси айнан ана шу хусусият жамланган бўлиши кераклигини уқтирмоқчи бўлади муаллифлар. Дастлаб бу учқовлон ўйинқароқ

Муносабат

Болақай шўхликларидан азият чекади. Бироқ уздабуронлик билан секин-аста болани инсофға келтириладилар, тарбиялайдилар. Қандай қилиб? Биламизки, хозирги кунда эртақлар тарқ етаётган дунёни компьютер ўйинлари эғзалаб олмоқда. Болалар ана шу ўйинлар таъсирида улғаймоқда. Энагалар ўйиндаги қаҳрамонларға ўхшаб кийимларни кийиб, уллар бажарган турли ур-йиқит томошабини боланинг кўз қўнғида «жонли» ижро этадилар. Натижада, замонавий тарбия усули орқали иjobий натижаға эришилади.

Сценарийда кечган воқеалар қайсидир маънода бизға чет эл киноижодкорлари томонидан яратилган «Уйда ёлғиз» фильмининг эҳсоси солади. Аммо ундан фарқли ўлароқ режиссёр Жавлон Шодмонов фильмининг мушқил бадий асар даражасига олиб чиқди, дейиш мумкин. Мурод Раҳабов, Жаҳонгир Позилжонов ва бошқа актёрлар ансамбли муваффақиятли танланган.

Албатта, ҳар икки фильм камчиликлардан холи эмас. Кўп ўринда томошабини қуддириш мақсадида ортиқча харақатлар ва бачканаликка ўрин берилган. Хусусан, офсида Одилиннинг тасодифан севган қизини қўриб қолиш воқеаларида сўнғийлик сезилиб қолган. Бошқа фильмлардаги каби кераксиз шовқинлар ва қаҳрамонларнинг баланд овозда сўзлашиш холлари кузатилади.

Булу хусусий студиялар томонидан ишлаб чиқарилган қўллаб саёв фильмлар томошабин эътиёжига тўқис жавоб бера олмаяпти. Бироқ изланиш бор.

Режиссёрларнинг ўз устида жиддий ишлаши, томошабин талабига мос келувчи янги мавзулар ва янги асарлар ҳақида «дўпини олиб қўйиб» ўйлаши, назаримизда, муаммони ҳал этиш йўлларида бирдир.

Махлиё МИРСОАТОВА, филология фанлари номзоди

- Бу - менинг ишим! - деди у 22-хонанинг эшигини қаттиқ ёпиб ичкарига кираркан.

Аёлинг икки юзи қизариб кетганидан бир қор-ҳол бўлганга ўхшайди.

- Яна хафа қилишдими? - сўрадим унга ачинган бўлиб.

- Менинг ишимни ҳеч ким эпллолмайди! Ўн икки йил деганда мутахассис бўлганман-а! Кечанига келиб... ақлинг отман нарсага қандай қилиб фикр билдирасан? Ҳе, ўргилдим, яна бу кишим бошлиқ эмиш!..

- деб курсига зарда билан ўтирди.

Палқасини жаҳл устида столга отиб юборди. Ёзув қозғолири социлиб кетди. Узун кичирлариди ёш қалқиди.

- Олса, ишини олар, жонимни эмас! - деди у сумкасида дастурўлчагини авайлаб оларкан. - Бор-е, қўлингдан келганини қил!

Кўз ёшлари ҳам тайёр экан, ирмоқ бўлиб икки юзидан оқа бошлади. У хўнграб юборди. Демак, бошлиқ ё бемаъни ҳаракат қилган қўрнида ёки ноҳозиз сўз айтган.

- Шунча меҳнатини чиппака чиқарди-я! Кошки, ўзи шу ишларни худдалас! Қора меҳнатдан ҳамма қочади. Мен бўлсам...

- Қўйинг, хафа бўлманг. Ҳаммадаям камчилик бўлади, оповси! - дедим вазиятни юмшатоқчи бўлиб.

- Одамга роса алам қиларкан-да... Ишхона сирини нега бошқаларга ошқор қилади? Бунга унинг ҳаққи борми?

- Ўзгалар олдида ўзини кўрсатмоқчи бўлгандир-да?! -

- Ҳе, ўзини кўрсатмай ўйсин!..

Ун бир ойи, шу аёл билан бир хонада ишлаймиш. Уни қўришим биланок этим жиғирлаб кетади, қандайдир нохушликни сезиб тураман. Ҳамма ҳуш кайфиятда иш бошласа, мен эрталабдан асабийлашаман. Эҳтимол, унинг феълини яхши билмаганимдан шундайдир. Аммо иш олдида галва кўтариш теран фикрлашга ҳалақит бериши аниқ-ку, тўғрими? Бу амалий фанда ҳам исботланган.

Хуллас, уни зимдан ўргана бошладим. Кўч йиллик тажрибага эга бўлган мутахассиснинг ҳузурига бордим.

- Ҳўш, қалай? - деди у. - Оповси билан чиқишиб кетдингизми?..

- Нега ундай дейсиз? У билан жанжаллашганим йўқ-ку! Бунга ҳожаат йўқ, деб ўйлайман.

- Тўри қиласиз. Майда гап эркакка ярашмайди.

- Шундай.

- Аммо уни тушунишга ҳаракат қилинг. У - ўз соҳасининг билимдони. Айтиб қўяй, бироз инжиқлиги ҳам бор...

- Шу... эрталабдан телефонга ёпишиб олгани ёмон-да. Хали у, хали бу ташкилотга тинмай кўнғироқ қиладди. Секин гапирса ҳам майли эди-я. Бақир-чақир кўп, денг. Қуллоқлар шангиллади. Ҳангиб қолайман...

- Агар сезган бўлсангиз, қулуги сал оғирроқ, Шунинг учун бандан овозда гапирди. Ёлғиз аёл бош билан болаларини ўзи катта қилди! Фарзандларининг барчаси олий маълумотли.

- Унга ҳавас қилса арзийди! Бирок иш жараёнида...

- Нима бўлгандаям сабрли бўлинг. Ундан кўп нарсани ўрганса бўлади!

Қўнларнинг бирида хонамга кексароқ бир одам келди. Ҳамкасбим ўша кўни ишдан жавоб сўраб кетган эди.

- Ҳўш, қалай? - деди у. - Оповси билан чиқишиб кетдингизми?..

- Нега ҳамма нукул шу гапни такрорлайди? - сўрадим.

- Мен илгари шу идорада бошлиқ бўлиб ишлаганман. Ҳар бир ходимнинг феъл-атворини яхши биламан, - деди у. - Сал инжиқроқ, бироқ чидаса бўлади!

- Боракалло! Сабрли одам экансиз... - Раҳмат. Лекин унга бўлган қизиқишим тобора ортапти. У ҳақда бирор нарса гапириб беролмайсизми?

Сўбатдошим юзида табассум зоҳир бўлди.

- Узиям ниҳоятда гўзал аёл, шундай эмасми! - деди у лабини чўнчайтириб. - Шунга яраша илтифот талаб қиладиди. Фурури бор! Ориятли.

- Буни биламан. Аммо нима учун галва кўтаришини ёқтиради?

- Биласизми, бу соҳада ишлаш одамдан катта куч талаб қиладди. Тошириқларни ўз вақтида бажариш осон иш эмас. Массулятни ҳис қилиш керак!

- Тушуниб турибман, бироқ унинг ўта инжиқлигини англолмаяпман.

- У муқофот ёки мансаб учун ишлайди. Ҳаммага ўзининг ишчанлигини кўрсатиб қўйишни истаиди, ҳоло. Авангард.

- Ҳаммадан олдинда юриш иштиёқи инжиқликка сабаб бўлолмайди-ку?

- Кўнглини кўтаринг, мактаб кўйинг - сиздан яхши одам йўқ. Бу қўйин иш эмас-ку. Ҳаттоки, ҳеч ким йўқлигида, унга бағишлаб икки мисра шеър ўқиб беринг. Тоғ манзараларини соғинади. Жилдираб оқаётган сувларни эслатинг, қайнар булоқларнинг жўшқинлиги ҳақида луфт қилинг. Аммо ҳечам танқид қила кўрманг...

Бир кўни раҳбар ўринбосари чақириб қолди.

- Ҳўш, қалай? - деди у. - Оповси билан чиқишиб кетдингизми?..

- Нега ундай дейсиз?! У билан ҳали бирор мартаям жанжаллашганим йўқ-ку?

- Сизни зимдан кузатиб, сабр-тоқат

- Балки! Ҳа, худди шундоқ! Иш услубига ҳалақит бераётган нимаики бор, унинг гашини келтиради. Аммо буни сездирмайди.

- Фикрингиз инобатга олинди. Ҳўшёрлик қўлдан бой берилмайди! - дедим суҳбатни аяқлаб.

Бу йилги кишининг қаҳри қаттиқ келди. Исотиш тизимлари яхши ишласа-да, хонада ҳарорат паст эди. Эшик-деразаларни ёпиб ишлайётганим. Ҳамкасбим хонага қовоғини уйиб кирди.

- Бунча тутатмасангиз? - деди у деразани очайтиб. - Эркакларнинг шарофатидан хонада ўтириб ҳам бўлмайди. Ҳаммаёқка сигарет хиди ўрнашган! Ёз кунимидики, хонани шамоллатасангиз?.. Ўзи тумов бўлиб юрибман. Касрингизга мен товон тўлайинми?

- Нега жиғибийрон бўляпсиз? Сигарет чекканим йўқ-ку? Хона совуқлигидан устимдаги курткани ҳам ечмаган бўлсам... Сиз тумов бўлинг, айбдор менми? - дедим дафъатан.

- Тушуниг, сигарет чекиш соғлиқ учун ўта зарарли. Шуларни ўйланг, дегман! Ўлинг, демадим-ку! Бор-е, яхшилиқ ёқмаганга нима қиласан гапириб!

Қарасам, иш чаток. Унинг афти-ангори тажовузкорлик касб эътипти. Дарҳол кўчага чиқиб кетдим. Бироздан сўнг қайтиб келдим.

- Нос чекдингизми? - деди у менга ўкрайганча.

- Йўғ-е! Нималар

СИЗ ЎҚИМАГАН ЁЗУВЛАР

ЎЗИМ ЎҚИМАН
ДУРБИНДАГИ ЁЗУВ
Тоғни тепа қиламан,
Тепани эса тоғлик.
Булнис қай томондан
Қарашингизга боғлиқ.

ТЎНКАДАГИ ЁЗУВ
Шамол, чиранма кўп сан,
Қани силқиб кўр бизни.
Тўнқани йиқиб бўлсан,
Илдиқимиз зўр бизни.

МУЗҚАЙМОҚДАГИ ЁЗУВ
— Йиғилса ҳам юз қаймоқ,
Бўлолмайдим музқаймоқ.
— Ясама-ку қаймоғи?
— Музтоғ — яқин аймоғи!

ПЕЧКАДАГИ ЁЗУВ
Қишда қизитиб уйни
Маъза қилган эдилар.
Баҳор келгач: "Бадбўйини
Кўздан йўқот!" — дедилар.

ГУГУРТДАГИ ЁЗУВ
Куйдирсам, ижирганиб,
Чимирмагин қопингни.
Сен ҳам кетардинг ёниб,
Ишқасалар бошингни.

ЧАНАДАГИ ЁЗУВ
Ўттан йил қор кўп эди,
Афсус, чанам йўқ эди.
Мана, бу йил чанга бор,
Аммо қани ўша қор?!

АРЧА ЎЙИНОФИДАГИ ЁЗУВ
Қўриб қолсан арча биз,
Осламиз барчамиз.
Ҳисобчанг адиқнинг.
Бу нечадан арчамиз.

Худойберди КОМИЛОВ

Соғнаган — бойлаган

ТОМЧИ СУВАДАГИ "БҮРОН"
Ўша микротўқилган ўчоқнинг сара

Микротўқинли печ-ўчоқ бугун деярли ҳар бир хонадонда бор. Ошхона-кафеларда эса таомларни тез иситишда ундан жуда кўп фойдаланилади. Бу печ-ўчоқлар қулай, бироқ бир зумда унда қиздирилган таомларнинг соғлиққа зарари борми?

— Микротўқинли печ-ўчоқ таомни ниҳоятда тез иситади. Биз ҳатто бу қандай юз беришини ўйлаб ҳам ўтирмаймиз. Бутерброду сосиска, шўрваю сут, суяқ-қуюқ тоамларни иситиб олаверамиз, — дейди озиқ-овқат технологиялари бўйича фан номзодини Р.Зиков. — Ҳолбуки, бу ўчоқларнинг таомга таъсири аънанавий тарздаги овқат пишириш усулларидан тубдан фарқланади. Бу фарқ ҳатто таомнинг таъмида ҳам билиниб туради. Микротўқинли ўчоқдан чиққан таомнинг, аввало, ташқи кўриниши қуруқ, таъми эса хушбўй ва хушхўр бўлмайди. Нега? Таом аънанавий усулда пишаётганда иссиқ ҳарорат аста-секин маҳсулот ичига ўтади, сиртида эса ҳаммаша ҳарорат юқори бўлади. Шунинг учун ҳам грилда гўшт пиширсангиз сиртида қизарган хуштаъм қобиқ ҳосил бўлади, гўштининг ўртаси янада мазали бўлади. Микротўқинли печ-ўчоқдаги гўшт эса бирдан ичидан қизиб кетади. Сиртида ҳарорат нисбатан паст бўлади. Гап шундаки, микротўқинли ўчоқда таомдаги маҳсулот эмас, унинг таркибидидаги сув қизийди. Бошқача айтганда, маҳсулот таркибидидаги оксиллар, углеводлар ўз ҳолича тураверади. Электр қучлиниқ фақат сув ва тузга таъсир кўрсатади. Натيجада сув молекулалари секундида икки миллион айлана ҳосил қиладди. Таом ичидидаги сув тез қайнаб буг чиқаради. Шунинг учун ҳам микротўқинли ўчоқда туҳум ва у каби қобиғи маҳкам неъматлар ёрилиб кетади. Сув молекулалари айланиши боис, ҳарорат одатда таом тайёрланганидан кўра анча юқори бўлиши мумкин. Шу нарса аниқки, таомларда ҳарорат қанча юқори бўлса, ҳар хил зарарли канцероген моддалар ҳам жуда кўп ҳосил бўлади.

Швед олимлари таъкидлаган тажрибада микротўқинли печ-ўчоқда крахмалга бой ҳамирли ёки бошқа маҳсулотлар пиширилганда ҳароратнинг ўта юқорилиги боис жуда кўп рақлам акриламид, деб аталувчи канцероген модда ҳосил бўлган. Микротўқинлар таомни ҳалдан ортиқ қизитиб юбориши билангина эмас, ўзига ҳис электромангнит таъсири билан ҳам хавфли ҳолатга олиб келиши мумкин. Бу жиҳат ҳозирча тўлиқ ўрганилмаган.

Шундай бир жанжалли воқеа содир бўлган: микротўқинли печ-ўчоқда иситиб олинган болалар сут маҳсулотидида "пролин" деб аталувчи "ўлик" аминокислота топилади. Аслида у табиатда учрамайди, фақат кимёвий синтез жараёнидагина ҳосил бўлади. Гап шундаки, ҳар қандай аминокислота икки хил шаклда — трик ва ўлик ҳолда мавжуд бўлади. Уларни чап ва ўн қўлга қиёслаш мумкин — бир қараганда шаклан ўхшаш, аммо битта қўлқопга сиғмайди. Аминокислоталар ҳам шундай — молекулалари бир хил, аммо атомларининг жойлашуви бошқача. "Ўлик" молекулалар одатда зарарли, улар мебрина ва ферментларга кирди олиб, уларнинг тузилишини бузади ва ёмон ишлашга мажбур қиладди. Шу нарса маълумки, "ўлик" пролин бош мия ва буйрақлар учун зарарли. Уларнинг аминокислоталари тирик организмларда учрамаса-да фақат лаборатория шароитидагина синтезланиши мумкин.

— Бундай молекулалар микротўқинли нурланиш таъсирида фақат суяқ таомларда эмас, қаттиқ таомларда ҳам ҳосил бўлиши мумкин, — дейди электромангнит хавфсизлиги маркази директори, биологика фанлари номзодини О.Григорьев. — Агар шундай бўлса, уни жиддий ўрганиш зарур. Шу билан бирга, уларнинг организмига нақадар хавфли таъсир даражасини ҳам аниқлаш керак. Бизнинг марказимиз микротўқинларнинг таомга ҳам, одамнинг ўзига ҳам таъсирини ўрганади. Шу нарса равшанки, уйда микротўқинли печ-ўчоқдан фойдаланганда муайян хавфсизлик чораларига эътибор бериш керак. Энг муҳими, ишлаб турган микротўқинли печ-ўчоқдан 1,5 метр узоқда туриш зарур. Бундан яқини ўта хавфли. Ана шунда сиз ўзинингизни электромангнит нурланишидан сақлаган бўласиз.

22-ХОНА

тингизга қойил қолиб ўтирибмиш. Лекин, барибир, қўнларнинг бирида у аёл билан жанжаллашиб қолишга тўғри келади.

- Сабаб?

- Сабабини тушуниришга уринмайман, бироқ буни иш жараёнида ҳали ўзингиз билиб оласиз.

Кўшони хонадан ўз хонамга ўтаётганда, йўлакда бир одам рўпарамдан чиқиб:

- Мабодо, 22-хонадан эмасмишсиз? - деб сўраб қолди. "Худди шундай!" дегандек бош ирғади. У менга йиллик ҳисоботни кўрсатиб:

- Кўшни опага бериб қўйсангиз! - деди. Хўжатларни олдим. Унга хонага киришни таклиф этдим.

- Ҳўш, қалай? - деди у. - Оповси билан чиқишиб кетдингизми?..

- Ноллишга асосим йўқ, - дедим унга сичков боқиб. - Нима, опани яхши танийсизми?

- Бўлмасан-чи! Сақиз ой бир хонада ишлагансиз, ахир!

- Ҳўш?!

- Бир марта ҳушдан кетдим. Кейин ишимдан кетдим!..

- Тушунтириброк гапиринг, у раҳбарларга гап етказувчимми?

- Йўқ. Ҳеч кимни ҳеч кимга сотмайди. Ғийбатни ёмон кўради. Фақат асаб тодаларини қитқилайди, ҳоло...

- Бундай ҳаракатни сезмапман...

- Балки бошлиқ билан "олишиб", вақти бўлмаётгандир? Ҳечқиси йўқ, сизга ҳам навбат келади... У ҳаммани енгиб ўрганган. Чакаги - бамисоли тўп, ишга тушгач, унинг нишонидан ҳеч ким омон чиқмайди.

Хавлимда унинг бошлиқ қабулхонасидан хафа бўлиб чиққан қиёфаси жонланди.

- Шу аёлинг шунақа қилиғи ҳам борми? - сўрадим вақтини бой бермай ундан.

- Аввалги раҳбар ўта мулоим одам эди. Ширин сўз билан ишлатарди. Урни келса, эркалаб қўярди. Идорада танҳо аёл бўлгани учун унга ҳурмат кўрсатишни ҳаммадан талаб қиларди. Янги раҳбар келиб, муносабат тубдан ўзгарди. Ҳар кимнинг ўз ишлаш услуби бор. Менимча, оповси шуни ҳазм қилолмапти. Бунинг устига, хонадаги жиҳозларнинг қўплиги ҳам уни мувозаназдан чиқаради. Айтилик, гашини кўзгайдиган бир қаричгина қоғозга кўзи тушса бўлди, бир-икки соат қулоқ тинчимайди, хунобингни оширгунча жаврайверди-жаврайверди! Шундаям ҳушидан кетмай кўр-чи, ундан қутулиб бўлсан! Катта хонада ёлғиз ўзи яйраб ишлашни ёқтиради. Унинг жиғибийрон бўлиб, асабийлашиб туриши ана шундан!

- Демак, унга рўпара ўтиришим ҳам ёқмаётган экан-да?

деясиз?..

- Бўлмаса, тамаки хиди қаёқдан келаяпти?

- Қаёқдан билая?

- Ҳаммаёқ ириб кетибди-ку? Хонада сиздан бошқа ҳеч ким йўқ-ку, ҳавони булғатадиган?

- Гапга эътиборли бўлинг! Нималар деясиз?

- Мен билмасдан гапирмайман! Тушундингизми? Уйингизга бориб, хоҳлаган ишни қилишингиз мумкин. Бу ер — ишхона!

- Бирор ноҳўя ҳаракат қилдимми? Нега бақирасиз?

- Битта сизга бақирмаганим қолувди ўзингиз! Кўзим учиб турибди...

- Кўзингизни учирманг, қўрмай қоласиз.

- Эркакларнинг бари - оверсмижоз. Кўпол! Молфаҳ! Эй худойим-е, шунақа зотларни ҳам яратасанми? Ўзинг ҳам пушаймон бўлаётгандирсан-а?!

Жанжал газак олмасдан яна кўчага чиқиб кетдим. Яхшиямки, қўшни хонадагилар бу воқеадан бехабар қолишди.

Эртаси кун ишга янги қўйлагимга бог гули хидини берувчи атир сеппиб келдим. Бармоқларим ораларига, бўйнимнинг орқасига Арабистондан келтирилган мушқдан ҳам сурдим. Аммо...

- Ф-у! Хона бунча сасиб-бурқиб кетибди! Эркак деган шунчалик атир селадими? Ошиқ ва деразаларни очиб ташланг... - деди етакчи мутахассис галатаи овозда.

- Ишқилиб, яхшиликка бўлсин! - дедим нима дейётганимни ўзим ҳам билмай.

- Нега марта айтиш мумкин, ҳатто курсига тўғри ўтиришини ҳам билмайсиз-а? Фаросат борми? Е...

Яна кўчага чиқиб кетдим. Тўғриси, ишим ўзимга ёқади, лекин бу аёл билан бир хонада ишлаш азоб-ку! Нима қилсам экан-а?!

- Ҳамкасб, ҳамдардлик билдирамиз! Сабр ва тоқат — тилагимиз шу! - деди менга ишхона ҳовлисида айланиб юрганлардан бири мийиғида кулиб.

Мен эса етакчи мутахассис билан бир хонада қанонгача ишлаш мумкинлигини ўйлаб бошладим. Ва йўлини топдим. Опа бирор галвани бошлаши билан секин сирғалиб, очик даричадан қираётган ел-вижақдай чиқиб кетаман ва энди оstonдан ҳам нимадир чекиб келаман. Опа эса рўпарасидида менинг бўш ўрнимга қараб жаврай-жаврай ўпкаси босилади. Кейинги вақтларда мен кирган эса ташқари совуқ эмасми Эминжон, шу ерда чекаверинг, дераза бор-ку, дейди очик деразадая очик оз билан. Шу зайи ишлаптимиз, денг. Ҳамкасбарим эса хайрон, бечоралар менга фокусчига қарагандай қарайди.

- Демак, унга рўпара ўтиришим ҳам ёқмаётган экан-да?

Муродулла ҒАҒУРОВ

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги
Республика ҳалақ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик ҳамда ахборот маркази,
Халқаро "Олтин мерос" хайрия жамғармаси,
Республика "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси,
Тошкент шаҳар маданият ва спорт ишлари бош башқармаси

Тошкент шаҳридаги Ғафур Ғулом номида маданият ва истироҳат боғида

Ўзбекистон Республикаси Мустақилликнинг 20 йиллигига бағишлаб

Мен эса етакчи мутахассис билан бир хонада қанонгача ишлаш мумкинлигини ўйлаб бошладим. Ва йўлини топдим. Опа бирор галвани бошлаши билан секин сирғалиб, очик даричадан қираётган ел-вижақдай чиқиб кетаман ва энди оstonдан ҳам нимадир чекиб келаман. Опа эса рўпарасидида менинг бўш ўрнимга қараб жаврай-жаврай ўпкаси босилади. Кейинги вақтларда мен кирган эса ташқари совуқ эмасми Эминжон, шу ерда чекаверинг, дераза бор-ку, дейди очик деразадая очик оз билан. Шу зайи ишлаптимиз, денг. Ҳамкасбарим эса хайрон, бечоралар менга фокусчига қарагандай қарайди.

КўҒИРЧОҚБОЗЛИК САҢЪАТИ РЕСПУБЛИКА ФЕСТИВАЛИНИ
Ўтказилади.

Фестивал: 1 июл кўни соат 11.00 да бошланади.

Ташкилий қўмита.



МУЛОҚОТ

Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишланган адабий кеча, ижодий учрашувлар вилоятларда ҳам кўтаринки руҳда давом этмоқда. Термиз шаҳридаги 1-академик лицейда сурхондарёлик т а н и қ л и иждокорлар Болта Ёриев, Сафар Омон, Эркин Нурсафар ва Менгнор Олломурадов адабиётга, ёш истеъдодларга кўрсатилаётган ғамқўрликлар, уларга яратилаётган шарт-шароитлар хусусида ўқувчилар билан фикр алмашдилар.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ ёзувчиси Саид Аҳмад хотирасига бағишлаб ҳарбий қисмда ўтказилган адабий учрашувда адабий ётшунос Муҳаммадҷон Азимов, ёзувчи ва драматург Тўра Қобилов, шоир Кўшон Абдула дил сўзларини изҳор этдилар. Шунингдек, Термиз шаҳридаги "Ҳамкор банк" да "Банк ходимининг маънавий дунёси" мавзусида иждокорлар билан учрашув бўлиб ўтди.

Улғузи ЖУМАЕВА

Кўргазма

Бадий академия кўргазмалар залида Вениамин Ақудиннинг "Бағишлов" номи хотира кўргазмаси очилди. Унда мойбўёқда, акварелда чизилган манзаралар билан бирга, турли спектаклларга ишланган эксизлар ҳам намойиш этилмоқда. Истеъдодли расоомдан эртақлар оламнинг кўтлаб қаҳрамонлари қиёфасида акс этган илқлик, бегубор қулга, самимий тасвирлар мерос бўлиб қолди.

Зеро, кўғирчоқ театри унинг иждоҳонаси эди. Театрда бош расоом бўлиб ишлаш билан бирга, В.Ақудин ижодий маҳоратини ошириб боришни, жамоа билан ижодий сафарларга чиқилиши қанда қилмасди. Расоом кўтлаб хорижий мамлақатларда бўлиб, одамларнинг турмуш-тарзи акс этган манзаралар ҳам яратган. У акварелда ҳам гўзал асарлар яратди. Расоомнинг "Бирчмулла", "Тоғдаги кўл", "Хиндистон", "Қобул" каби асарлари шулар жумласидандир. Хотира кўргазмасидан расоомнинг томошабин ҳукмига илк бор ҳавола этилаётган асарлари ҳам ўрин олган.

Сарвара ҚОСИМОВА

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКISTON ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

НОНИР: "ШАРҚ" НАШРЎТ-МАТБАА АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ
ХОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91 Электрон манзилимиз: Котибият — 233-49-93 uzas@b2c.uz

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 236-56-50 Санъат бўлими: 236-56-48
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 236-58-55 Назм ва наср бўлими: 236-58-55

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ

Ташқириятга келган кўбеймалар тахсил этилмайди ва муаллифларга қайтарибмайди. Муаллифлар фикри тахририят нуртдан назаридадан фарқлашни мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Нафиса ИСМАТУЛЛАЕВА
Саҳифаловчи — Элёр МАҲМУДОВ

«Шарқ» нашрёт-матбаа акцијадорлик компанияси босмақонаси.
Босмақона манзил: Ўзбек Тўроқ кўчаси, 41-ў

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 22.48

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 13.06.2007 йил 0283-рақам билан рўйқатга олинган. Адади — 7928. Бюрогма Ғ — 848. Ҳақми — 5 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташқириятлар учун — 223. 1 2 3 5

ЖУМА КўНЛАРИ ЧИҚАДИ. СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН